VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

51 (59) 2009 йил 15 декабрь, сешанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



**Сўзана жилоси**

Қадимий ҳунар турларини замонавийлик билан уйғунлаштириш эндиликда янгилик эмас. Бу борада юртимизда кўплаб ишлар қилинмоқда. Қаҳрамонимиз Мадина Қосимбоева қўл меҳнати ҳеч қачон ўз аҳамияти ва қадрини йўқотмаганлигини амалда исботлай олганлардан. У маҳоратли дизайнер ва тадбиркор.

12-бет ←



**«Меъмор-96»**

Самарқанд шаҳри тобора чирой очмоқда. Регистон майдони, Сиёб бозори қайта реконструкция қилиниб, ушбу ҳудуд билан туташувчи Тошкент кўчаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Айниқса, павильонлар шарқ услуби анъаналарида қурилиб, сайқал берилгани янада аҳамиятлидир. Бу ишларда Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ва ишлаб чиқариш бошқармаси «МЕЪМОР-96» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

12-бет ←



**Энг мустаҳкам ноутбук**

Мутахассислар бугунги кунда энг ишончли ва мустаҳкам бўлган ноутбукни Asus корпорацияси ишлаб чиқармоқда, деган тўхтамга келишди.

12-бет ←

## «Мақсадимиз — Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш!» — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий сиёсий шиори ҳисобланади.

## ЎзМТДП номзодларига овоз беринг!

2010 ЙИЛ — "БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ"



# Интеллектуал бойлик

*Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуслари билан келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган таълим соҳасида муваффақиятли дастурлар ишлаб чиқилди, ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол авлод бўлиб етишишларига алоҳида эътибор берилмоқда.*

Миллий қадриятларимизнинг тикланиши, тарихимизни чуқур ўрганиш ва буюк бобокалонларимизга муносиб издошлар бўлишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кириб келаётган 2010 йилнинг Юртбошимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб номланиши ҳам биз ёшларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб камол топишимиз, бахтли ва фаровон келажак қуришимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар ва амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давомидир. Бу ўз навбатида биз ёшлардан ҳам янада шижоатли, интилувчан, билимга чанқоқ бўлишимизни талаб этади.

Биз таълим олаётган1-сонли Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари академик лицейимизда ҳам ушбу йил мобайнида бир қатор тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилмоқда. Тадбирларнинг ўтказилишидан асосий мақсад ёшларни маънавий билимларини юксалтириш, уларни соғлом, Ватанга содиқ, комил инсон қилиб тарбиялашдир.

"Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган ушбу фикрларида ҳам амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар йўлида ёш авлоднинг етук салоҳияти ва фаоллиги муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланган.

Соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, биз ёш авлодни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асрашда асосий омиллардан биридир. XXI асрда интеллектуал бойлик ҳукмронлик қилар экан, Президентимиз таъкидлаганларидек, бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб кундалик ҳаётимиз мазмунига айлантириб, жаҳон тараққиёти йўлидан боришимиз лозим.

**Нигорахон МУРОДОВА,**
**ЎзДЖТУ 1-сонли Жаҳон тиллари академик лицейи талабаси**

# Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун

### Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам ТУРСУНОВ билан суҳбат

**— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларига сайловларда иштирок этмоқда. Партия сайловчилар ҳузурига қандай мақсад ва ғоялар билан бормоқда? Партия сайловлардан кейин амалга оширадиган ҳаракат дастури қандай масалаларни ўз ичига қамраб олган?**

— Аввало, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда бутун дунё тан олган салмоқли ютуқларни қўлга киритди ва халқаро майдонда юксак обрў-эътиборга эришди. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қурилиши ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли қадамлар ташлади. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб бормоқда ҳамда одамлар онгида демократик қадриятлар янада кўпроқ қарор топмоқда. Жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучайиб, мамлакатимизда содир бўлаётган демократик янгиланишлар жараёнига уларнинг таъсири ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган жамиятни янгилаш ва туб ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бунда биз миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларни, миллий урф-одатлар ва анъаналарни, бой тарихий меросимизни асраш ва уни замон руҳи билан бойитиш ҳамда миллий ғояни кенг тарғиб қилиб, уни аҳоли онгига сингдиришни асосий вазифа сифатида белгилаганмиз. Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда фуқароларимизни Ватан тараққиётига йўналтирилган бунёдкорлик ишларига сафарбар қилиш ҳам асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Бу учун партия ўз сафига барқарор ва уйғун миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, маориф, маданият соҳаси ходимларини, жамиятнинг бошқа қатламларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва унинг буюк келажагига ишонадиган, мамлакатимиз дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган, шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Сайловолди платформасида кўзда тутилган мақсадларимизни эълон қилар эканмиз, унда акс этган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётганлигини таъкидлаб, бу масала ва муаммоларнинг ечимини топишга жўшқин руҳ бағишлаш, Ватанимиз тараққиёти йўлида муқобил лойиҳаларни илгари суриш ҳамда партиянинг ваколати ва имкониятлари даражасида барча соғлом кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигимизни билдирамиз.

**— Партия сиёсий соҳада ўзи учун қандай етакчи вазифаларни белгилаган?**

— Партиянинг бу соҳадаги вазифалари Ўзбекистоннинг мустақилликка эришилган кундан эътиборан амалга ошириб келинаётган, миллий маънавий қадриятларга асосланган демократик суверен ривожланиш ва мамлакатни тизимли модернизация қилиш йўли фуқароларнинг туб манфаатларига хизмат қилишига комил ишонч руҳидан келиб чиққан. Партиямиз мустақиллик йилларида бошланган давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўзликни чуқур англаб етиш, миллий мустақиллик ғоясини ривожлантириш каби улуғвор ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли давом эттиришга қаратилган ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашишни ўзининг асосий вазифалари сифатида белгиламоқда. Миллий тикланиш демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми эканлигидан келиб чиққан ҳолда ислоҳотларнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос модели ва миллий тажрибамиз асосида одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш ва ҳуқуқий-сиёсий маданиятни оширишда фаол иштирок этамиз.

Партиямиз давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини юксак маънавиятли, профессионал фазилатларга эга, мамлакат ва халқ тақдири учун масъуллик туйғусини ҳис этадиган, онгли, ватанпарвар кадрлар билан таъминлаш тизимини ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ВАТАН ТУЙҒУСИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН!

O‘ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

## Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди ПЛАТФОРМАСИ (ҲАРАКАТ ДАСТУРИ)

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда бутун дунё эътироф этаётган улкан ютуқларни қўлга киритиб, халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди. Давлат мустақиллиги берган беқиёс имкониятлар туфайли халқимиз матонатли, фидокорона меҳнати билан ўзининг Буюк келажагини яратмоқда, эртанги кунга комил ишонч билан қарамоқда. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли қадамлар ташлади. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб бориб, демократик қадриятлар одамлар онгига борган сари мустаҳкам ўрнашиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, мамлакатда юз бераётган демократик янгиланиш жараёнларига таъсири кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этишга интилаётган сиёсий кучдир.

Партия ўз сафига барқарор ва уйғун миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, маориф, маданият соҳалари ходимларини, жамиятнинг бошқа қатламларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва Буюк келажагига ишонадиган, мамлакатимиз дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган, шунингдек партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари деб билади.

Бугун бутун дунё социал, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечираётган, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир вазиятда миллий бирлик, бирдамлик ва ватанпарварлик, халқимизнинг бутун куч ва имкониятларини мамлакатимиз барқарор ривожланишини, инқироздан кейинги даврда ҳам ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлашга сафарбар этиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш орқали ўз тарафдорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш партиямизнинг муҳим вазифасидир, бинобарин айни кўпчилик ўринни эгаллаш партия ўз дастурий мақсадлари ва вазифаларини имкон қадар тўла-тўкис рўёбга чиқариши имконини беради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг сайловолди Платформаси (Ҳаракат дастури)да назарда тутилган мақсадларимизни эълон қилар эканмиз, биз мазкур Платформада ўз ифодасини топган масалалар босқичма-босқич ҳал қилиб борилаётганлигини эътироф этамиз ҳамда ушбу масалалар ва муаммолар ҳал этилишига янада фаолроқ тус беришга, муқобил лойиҳалар ташаббуси билан чиқишга тайёрлигимизни, шунингдек, Ватанимиз тараққиёти йўлида партиянинг ваколатлари ва имкониятлари доирасида жамиятнинг барча соғлом кучлари билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигимизни баён қиламиз.

Партиянинг сайловолди Платформасида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг Ҳаракат дастурида миллатимиз ҳаёти учун қуйидаги долзарб масалалар қамраб олинган.

***Сиёсий соҳада***

### БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИ.
**Демократлаштириш ва маънавий ривожланиш – бир-биридан ажралмас**

Партия Ўзбекистоннинг мустақилликка эришилган кундан эътиборан амалга оширилиб келинаётган ва миллий-маънавий қадриятларга асосланган демократик суверен ривожланиш ҳамда мамлакатни тизимли модернизация қилиш йўли фуқароларнинг туб манфаатларига хизмат қилишига қатъий ишонч билан қарайди. Ана шунга асосланиб, партия сиёсий соҳада қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўяди:

- давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, маънавий-миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни чуқур англаб етиш, миллий мустақиллик ғоясини ривожлантириш каби давлат мустақиллиги йилларида бошланган улуғвор ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли давом эттиришга қаратилган ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашиш;
- миллий тикланиш демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми эканлигидан келиб чиқиб, миллий тажрибага асосланган, ўзимизнинг ислоҳотлар моделига таянган ҳолда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни оширишда ҳамда демократик қадриятларни одамлар онгига сингдиришда фаол иштирок этиш;
- демократик ислоҳотлар амалга оширилиши давомида Ўзбекистонда давлат хизматининг роли ва аҳамияти жиддий равишда ошишини ҳисобга олган ҳолда партия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишини қўллаб-қувватлайди ҳамда уларни юқори маънавий-ахлоқий, профессионал фазилатларга эга, мамлакат ва халқ тақдири учун масъулиятни ҳис этадиган, онгли, ватанпарвар кадрлар билан таъминлашга кўмаклашади;
- давлат органларининг жамият ҳамда давлат қурилишининг барча соҳаларида, энг аввало, таълим, фан, маданият ва шу каби бошқа соҳалардаги фаолияти устидан жамоат назорати масалаларини тартибга солувчи қонунчилик асосларини такомиллаштириш;
- фуқаролик масъулияти ва миллий фахрланиш туйғусини кучайтириш, одамларда Ватан тақдирига ва жамиятда демократик янгиланиш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга алоқадорлик ҳиссини тарбиялаш борасида изчил, тизимли иш олиб бориш;
- Ўзбекистон халқига хос маънавий-миллий анъаналар ва қадриятларнинг ифодаси бўлган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтларини янада ривожланиши ва уларнинг ҳуқуқий мақоми оширилишини қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;
- ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориш;
- мамлакатда фаолият кўрсатиб турган бошқа сиёсий партиялар билан ўз муносабатларини ғоялар кураши, амалий мулоқотлар ва соғлом рақобат принципи асосига қуриш.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз сиёсий мақсадларини рўёбга чиқаришда ва ҳокимият учун курашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий амал қилади.

***Миллий қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими***

### ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ВА МАЪНАВИЯТ ҚОНУНИЯТЛАРИ БИР-БИРИДАН АЖРАЛМАСДИР

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш, амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиш, ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжатларига маънавий-миллий қадриятлар ва анъаналарни сингдириш каби вазифаларни ҳал этиш жараёнида қуйидагиларни амалга ошириш белгиланади:

- суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш жараёнлари етказилган моддий зиён ўрнини қоплаш, кексаларга, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларга нисбатан меҳр-мурувват кўрсатиш каби жазонинг муқобил чораларини борган сари кўпроқ қўллаш йўналишида давом эттирилишига кўмаклашиш;
- жиноят судлов ишларини юритишда маънавий-миллий анъаналарга мос келадиган ярашув институтини янада ривожлантиришга кўмаклашиш;
- кафилликка олиш институти, айниқса, ижтимоий хавфли бўлмаган жиноят ишлари бўйича кафилликка олиш институтининг янада кенгроқ қўлланилишига эришиш;
- фуқаролик-ҳуқуқий низоларни суддан ташқари тартибда ҳал этишни, бундай институтни, айниқса, жамиятнинг асосий ахлоқий пойдеворларидан бири бўлган оилани сақлаб қолиш мақсадида янада ривожлантиришга кўмаклашиш;
- миллий тил, ёзув, анъанавий халқ ҳунармандчилиги, фольклор, тарихий ва маданий меъморий ёдгорликларни, Ўзбекистон халқининг моддий ва номоддий меросини асраш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда фаол иштирок этиш.

Биз давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, гуманитар соҳадаги, энг аввало, таълим, фан ва маданият соҳаларидаги турли суиистеъмолликларга барҳам беришга, шунингдек гиёҳвандлик моддалари билан ғайриқонуний муомала қилинишига, одам савдосига, коррупцияга, маҳаллийчиликка ҳамда хавфсизликка нисбатан бошқа таҳдид ва хатарларга қарши курашишга қаратилган саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Партия юқорида кўрсатиб ўтилган, жамиятнинг ижтимоий тараққиёт йўлида тўсиққа айланган ва миллий манфаатларимизга зид бўлган иллатларга қарши муросасиз кураш олиб боради, шунингдек ушбу соҳалардаги қонунчилик ва ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга қаратилган изчил йўлни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқаришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билади.

Партия инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш – шахснинг фаровонлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашга интилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мақсади ва энг муҳим воситаси деб ҳисоблайди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга нисбатан биз маданий-тарихий анъаналарни, халқ таълими тизимини тиклаш ва ватанпарварлик тафаккурини тарбиялаш орқали маънавий-ахлоқий тикланиш нуқтаи назаридан қараймиз.

***Маънавият соҳасида***

### ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек кўп асрлик анъана ва урф-одатларни сақлаб қолиш мақсадида партия маънавий соҳада қуйидаги вазифаларни долзарб деб ҳисоблайди:

- "Юксак маънавият – енгилмас куч" ғоясини рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан миллий анъаналар ва қадриятларга, мамлакатни модернизация қилиш ва демократик ҳуқуқий давлат қуришга нисбатан XXI асрдаги миллий тикланиш ва миллий ўзига хосликнинг ҳаракатлантирувчи кучлари деб қараш;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, давлат рамзлари бўлмиш Байроқ, Герб ва Мадҳияни умуммиллий ғурур ҳамда эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлашни ва ардоқлашни ҳар томонлама тарбиялаш;
- халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш;
- миллий тикланишнинг асосий принципи – халқ маънавиятини тиклашга кўмаклашувчи анъаналар ва ижтимоий тараққиёт бирлиги принципини ҳаётга жорий этиш;
- юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, "**Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари**" деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга ошириш;
- мустақил Ватанни мустаҳкамлаш ва унинг Буюк келажагини таъминлаш учун, миллий бойлик ва қадриятлар: ер, сув, моддий-маданий бойликлар, миллий-маънавий анъаналар ва урф-одатларни асраш учун фуқаролик масъулиятини ошириш;
- партия халқ таълимини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлаш устувор принцип эканлигига амал қилади, бунда ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, ал-Фарғоний ва жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган бошқа буюк бобокалонларимизнинг илм-фанга бўлган чанқоқлиги мисолида билимга, маърифатга нисбатан миллий анъанавий муносабатларга, фундаментал фан ривожланиши эҳтиёжларига, шунингдек мамлакат ривожланиши ва янгиланишининг стратегик вазифаларига асосланади;
- фаннинг ривожланиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда партия фан соҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг илмий зиёлиларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишига эришишга ҳаракат қилади;
- истеъдодли ва ижодкор одамларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини такомиллаштириш;
- фундаментал фан соҳасида миллий илм мактабини халқаро даражага олиб чиқа оладиган мамлакатимиздаги янги ишланмаларни ривожлантиришга кўмаклашиш. Мамлакатимиз фани эришган энг яхши ютуқларни асраб-аввайлаш ва кўпайтириш. Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти – мамлакатнинг миллий бойлиги, мамлакат ўзига тўқлиги ва мустақиллигининг муҳим омили;
- интеллектуал мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш;
- маданият, санъат, театр, музей, газета ва журналларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ривожлантириш;
- тил, нутқ маданиятини оширишга кўмаклашиш, адабий тилдан фойдаланиш қоидалари бузилишига қарши аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб бориш, шу муносабат билан давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги ишларни давом эттириш;
- маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш;
- халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиш;
- мамлакатимиз ижобий имижини шакллантиришнинг, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш.

Партия оммавий ахборот воситалари чинакам мустақиллиги ва фаолиятини бундан буён ҳам таъминлаб бориш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама илгари суришдаги, Ўзбекистон халқининг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини, шунингдек янгиланиш ва модернизация қилиш жараёнларидаги таъсирчанлигини кучайтириш масалаларига муҳим аҳамият беради. Бунда журналист кадрлар тайёрлаш, миллий журналистика мактабини ривожлантириш, ахборот маконида соғлом рақобатни, давлат ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида ОАВ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маънавий-маданий соҳадаги фаолиятидан ҳамда қатъий эътиқодли ва мустақил тафаккурга эга, маънавий жиҳатдан мукаммал фуқарони шакллантириш борасидаги ўз саъй-ҳаракатларидан кўзланган мақсад "**Халқ манфаатлари ва Ватан туйғуси – ҳар нарсадан устун**" деган ғояни ҳаётга татбиқ этишдан иборат деб билади.

Мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишда фаол иштирок этишни партия ўзининг ўта муҳим вазифаси деб билади. Бу борада партия қуйидагиларни устувор вазифалар деб ҳисоблайди:

- ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурур уйғотиш;
- ёшларнинг замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантириш, таълим тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг янада такомиллаштирилишига эришиш;
- нафақат ёшлар ва болаларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий таҳдидларнинг, диний экстремизм, маҳаллийчилик, худбинлик, боқимандалик ва лоқайдликнинг, бойлик орттириш, зўравонликнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз Ватанини севган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси деб билади.

***Иқтисодиёт соҳасида***

### МИЛЛИЙ БОЗОРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ – АСОСИЙ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Ушбу соҳадаги партия сиёсатининг стратегик мақсади аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишнинг асосий омили сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Партия Ўзбекистон миллий иқтисодиёти пухта ўйланган тизимли ўзгаришлар туфайли сифат жаҳатидан ривожланишнинг улкан салоҳиятга эга эканлигидан келиб чиқади. Ушбу салоҳият қуйидагиларни амалга ошириш орқали рўёбга чиқарилиши мумкин:

- халқаро меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг рақобат борасидаги афзалликларига асосланган ҳолда мамлакатнинг хўжалик комплексини диверсификация қилишни бундан буён ҳам давом эттириш;
- миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- мамлакат ишлаб чиқарувчиларини самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўтказиш;
- Ўзбекистон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кучли ташқи иқтисодий стратегияни рўёбга чиқариш.

Партия ўз саъй-ҳаракатларини миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратишни зарур деб ҳисоблаб, бу соҳадаги асосий вазифаларини қуйидагилардан иборат деб ҳисоблайди:

- мамлакатимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳасини ва туризмни ривожлантириш;
- миллий ишлаб чиқарувчига ва бутун жамиятга жуда катта зарар етказаётган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар контрабандасига қарши курашиш;
- истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига олиб кириш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тизимли чоралар кўриш;
- ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- ташқи иқтисодий фаолият соҳасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан барча бўғинлардаги ҳокимият вакиллик органлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар ўз амалий фаолиятларида миллий бизнеснинг жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш жойлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, шунингдек тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашиш ниятидалар.

Партия:

- Ўзбекистон табиатига, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлишни, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- экологик хавфсизликни, айниқса миллатнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилиш, хусусан, Оролбўйида, шунингдек экологик ва табиий фалокатларга дучор бўлиши мумкин бўлган зоналарда яшовчиларнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилиш мақсадларида экологик хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш тарафдоридир.

***Ижтимоий соҳада***

### САВОБ ИШНИ ҲАР КУНИ ҚИЛИШ КЕРАК, САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК

Партиямиз кам таъминланганларга, кексалар ва болаларга саховат ҳамда меҳр-мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий қадриятларини ҳимоя қилиб ҳамда ҳозирги кунда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсатни қўллаб-қувватлаб, қуйидагиларни ўзининг бу соҳадаги асосий вазифалари сифатида белгилайди:

- ҳаётга кириб келаётган мамлакатимизнинг ёш фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринларини топиб олиши учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларни кучайтириш;
- оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатлари, хусусан, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда репродуктив саломатлик масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш;
- аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга, ижтимоий хавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам беришга, Абу Али ибн Сино каби буюк бобокалонларимизнинг асарларида ўз ифодасини топган, Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган миллий давлат дастурлари рўёбга чиқарилишини фаоллаштириш;
- жамиятда меҳр-мурувват, ҳомийлик ва юксак тиббий маданиятни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- фан, адабиёт, маданият, санъат ва спорт соҳаси ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини такомиллаштиришга, миллий анъаналар ва жаҳон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш орқали мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида фаол иштирок этиш;
- ёшларни, кам таъминланган оилаларни ва муҳтожларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш каби миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, бундай қадриятларни уларнинг онгига чуқур сингдириб бориш;
- ижтимоий соҳага ҳомийлик ва саховатпешалик ҳаракатини мамлакат бўйлаб кенг авж олдириш.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда ижтимоий кафолатлар соҳасида сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш йўлидан боради. Аҳоли томонидан эъзозланадиган ижтимоий қадриятлар ҳаётда ўзининг реал ифодасини топиши учун курашади.

**Эркин ва масъулиятни ҳис қилувчи шахс жамиятимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва бойлигидир.**

***Халқаро муносабатларда***

### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИ – УНИНГ ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТИ АСОСИ

Партия Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонидаги мавқеи мустаҳкамланишига, нуфузи ошишига ҳар томонлама кўмаклашади.

Партия Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва миллий мероси ҳар томонлама асраб қолиниши вазифасига устувор аҳамият қаратар экан, Ўзбекистоннинг гуманитар салоҳияти тўғрисидаги холис, серқирра ахборот кенг халқаро жамоатчилик, хорижий мамлакатларнинг сиёсий ва эксперт доиралари эътиборига етказилишига энг муҳим вазифа сифатида қарайди.

Турли маданий ва цивилизациялар билан ўзаро мулоқотни ривожлантириб борар эканмиз, биз нафақат ҳозирги дунёни билиб оламиз, балки ўзимизни ҳам яхшироқ тушуна бошлаймиз, ўзимизга хослик ва ноёб жиҳатларимизни, миллий хосликларни асраб-авайлай бошлаймиз.

Партиямиз БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва бошқа шу каби мақсади миллий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлаш, халқлар ва миллатларнинг ўзига хослигини сақлаш, миллий ва умуминсоний маданиятни ривожлантириш ғояларига оҳангдош бўлган халқаро тузилмалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада кенгайтирилишини қўллаб-қувватлайди.

Ватанпарварлик партиямизнинг дастурий принципи бўлиб, қуйидагиларни англатади: ўз Ватанига, ўз халқига чексиз муҳаббат, тарихий ўтмишни ёдда сақлаш, буюк бобокалонларимиз фаолиятидан фахрланиш, мамлакатимизнинг ҳозирги кунида эришган ютуқларини асраб-авайлаш ва гуллаб-яшнатиш тўғрисида жон куйдириш, келгуси авлодларимиз учун кучли ва гуллаб-яшнаган Ватанни қолдириш каби маънавий-ахлоқий қадриятларга таяниш.

**Бизнинг асосий ғоямиз** – Ўзбекистоннинг Буюк келажаги йўлида бор билим ва ижодий куч-ғайратимизни Ватанимизнинг миллий манфаатлари учун фидокорона хизмат қилишга сарфлаш.

**Бизнинг мақсадимиз** – фуқароларимиз онгида тарихий ўтмишдан ва ҳозирги кундан фахрланиш туйғусини, ўз мамлакатининг порлоқ келажагига ишончни сингдириш ва мустаҳкамлаш!

**Бизнинг асосий мақсадимиз – Юрт тинчлиги ва осойишталиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги!**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари деб билади.*

## Саломатлик – туман бойлик



**Мавлуда Назрыддиновна Алимова**

Соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишни олий мақсад деб билиб, бемор ва хасталигидан шикоят қилган ҳар бир инсонга имкони борича маслаҳат ва амалий ёрдамини аямаётган Мавлуда Назрыддиновна Алимова 1954 йилда Фарғона вилояти Қува шаҳрида туғилган. 1978 йилда Тошкент Тиббиёт институтини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Мавлуда Алимова 1980 йилда Фарғона шаҳар 1-болалар поликлиникасида маҳалла шифокори, 1990-1998 йилларда ушбу поликлиника мудири сифатида ишлади. 2003 йилда 4-сонли ҳамда 2-сонли шаҳар шифохоналарига мудирлик қилди. 2003 йилдан Фарғона тумани 3-сон оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Олий тоифали шифокор. Тиббиёт соҳасида кўрсатган хизматлари учун бир неча маротаба 2-шифохона, Фарғона шаҳар ҳокимлиги, вилоят ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлиқ ва мукофотлар, Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 ва 15 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган. 2004 йилдан буён халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгаши депутати. Депутатлик фаолияти давомида аҳоли томонидан тушаётган барча таклиф ва мурожаатларни ижобий ҳал қилиб, амалий ёрдам бериб келаяпти.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Мавлуда Назрыддиновна Алимова 101-Тошлоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Билим ва малака уйғунлиги



**Равшан Ҳайдаралиевич Қурбанов**

Равшан Ҳайдаралиевич Қурбанов, 1970 йил Фарғона вилояти Қува туманида туғилган. 1992 йил Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Р.Қурбанов меҳнат фаолиятини 1992 йилдан Фарғона пахтачилик тажриба станциясида агротехник, кичик илмий ходимликдан бошлаган. 1995-1998 йилларда Ўзбекистон Ғаллачилик илмий тадқиқот институтининг Фарғона бўлимида лаборатория мудири, бўлим бошлиғи, 1998-2000 йилларда вилоят ҳокимлигида етакчи мутахассис, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ғаллачилик бўлимида бош мутахассис, бўлим бошлиғи, 2000-2002 йилларда вилоят қишлоқ хўжалик Илмий ишлаб чиқариш маркази бошлиғи, вилоят пахта уруғчилиги бирлашмасида раис ўринбосари, 2002-2004 йиллардан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси пахтачилик техника экинларини ривожлантириш ва навларни жойлаштириш бўлими бошлиғи, 2004-2007 йилларда Фарғона вилояти «Давуруғназоратмаркази» директори, 2007 йилдан «Ўздавуруғназорат» (Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификатлаштириш ва сифатини назорат қилиш) давлат маркази раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда. Энг муҳими у бор билимини амалиётда жорий этишга уринадиган, атрофидагилар билан маслаҳатлашган ҳолда, танқид ва табрикни бир хил қабул қиладиган инсон.

Р.Қурбанов ўз иш фаолияти давомида малакали мутахассис, олим сифатида қишлоқ хўжалиги соҳасига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Равшан Ҳайдаралиевич Қурбанов 102-Қува сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Маънавият тарғиботчиси



**Лобархон Улуғбековна Қосимова**

Ҳаёти давомида илм-фан чўққиларини бирин-кетин забт этишга интилиб яшаётган Лобархон Улуғбековна Қосимова 1975 йил Фарғона вилояти, Бувайда туманида туғилган. 1996 йил Қўқон Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1996 йили Қўқон Давлат педагогика институтини педагог-психолог мутахассислигини эгаллаб, келажагимиз бўлмиш жажжи ўғил-қизларга бўлган меҳри уни Бувайда туманидаги 6-болалар боғчасида тарбиячи сифатида иш бошлашга ундади. 1998 йили туман халқ таълими бўлими давлат таълим стандартлари мониторинги услубчиси бўлиб иш олиб бориши билан бирга, Қўқон Давлат педагогика институтини тарих ўқитувчиси мутахассислиги бўйича сиртдан тамомлади. 2006 йилдан ҳозирги вақтгача Республика Маънавият тарғибот маркази Бувайда туман бўлими раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда. 2008 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини муваффақиятли тамомлади.

Л.Қосимова ташкилотчилиги, янгиликка интилиши, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндоша олиши, сиёсий жиҳатдан муайян билимга эга эканлиги билан ажралиб туради. Дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ қилиш қобилиятига эгалиги, оққўнгил, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида ҳурматга эга.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Лобархон Улуғбековна Қосимова 103-Бувайда сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Қишлоқ тараққиёти – эл фаровонлиги



**Саймуддин Тошмадович Ёрматов**

Саймуддин Тошмадович Ёрматов 1955 йил Фарғона вилояти Фарғона туманида туғилган. Фарғона Политехника институтини тамомлаган. Ихтисоси — муҳандис-механик, сиёсатшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

С.Ёрматов 1982-1988 йилларда Фарғона тумани қишлоқ хўжалик техника таъминоти базасида бўлим бошлиғи, 1988-1989 йилларда Фарғона тумани «Фарғона» ширкат хўжалиги партия қўмитаси котиби сифатида фаолият юритди. 1989-1991 йилларда Санкт-Петербург сиёсатшунослик ва полионтология институтида ўзининг бу борадаги билимларини янада оширди. Вазифасига чуқур ёндошар экан, ўша пайтдаёқ қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишни англаб етди. Бу борадаги ўзининг билим ва малакасини амалда татбиқ этишга интилди. Изланувчанлиги ва меҳнаткашлиги туфайли 1991-1993 йилларда Қувасой шаҳар «Қувасой» кичик корхонаси раҳбари, 1993-1995 йилларда Фарғона вилояти Фарғона нефть-база унитар корхонасига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси бошлиғи, 1995-2004 йилларда Фарғона тумани «Миррих» хусусий фирмаси раҳбари вазифаларида ишлади.

2004 йилдан ҳозиргача Қувасой шаҳар «Фарғона Ал Сайком» хусусий корхонаси раҳбари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

С.Ёрматов қайси лавозимда ишламасин, ташкилотчилиги, янгиликка интилиши, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндоша олиши, сиёсий жиҳатдан катта билимга эгалиги билан ажралиб туради.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Саймуддин Тошмадович Ёрматов 104-Қувасой сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Талабалар устози



**Отаназар Отажанович Чўпонов**

Биздан озод ва обод Ватан қолиши учун устозлар бор билим-маҳоратини юртимиз келажаги бўлган ёшларга қолдириши шарт ва зарур, деб биладиган Отаназар Отажанович Чўпонов 1960 йилда Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган. 1982 йилда Хоразм Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси — педагог, рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У дастлаб меҳнат фаолиятини 1982 йилда Урганч туманида мактаб ўқитувчилигидан бошлаган.

1982-1986 йилларда Хоразм Давлат педагогика институти рус тили кафедраси ўқитувчиси, 1986-1990 йилларда Республика Рус тили ва адабиёти педагогика институти аспиранти, 1990-1992 йилларда Хоразм Давлат педагогика институти рус тили кафедраси мудири, 1992-2006 йилларда Урганч Давлат университети касаба уюшмаси раиси, кафедра мудири, маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректори лавозимларида ишлаган.

2006 йилдан буён Урганч Давлат университети филология факультети декани лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Филология фанлари номзоди илмий даражаси ва доцент илмий унвонига эга.

Ҳаёти давомида қандай ютуқларга эришган бўлса, барчаси ўзининг ҳалол ва машаққатли меҳнати туфайлидир. У бор билим ва маҳоратини ёш авлодга бериш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, етук мутахассис сифатида камол топтиришни ўзининг устозлик бурчи деб биладиган жонкуяр мураббий.

О.Чўпонов халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутати бўлган.

У фаолияти мобайнида юксак малакали кадрлар тайёрлашда, ўқув-тарбия ишларини замон талабларига мос равишда такомиллаштиришда, жамоа илмий салоҳиятини юксалтиришда, мавжуд бўлган илмий мактаблар ишини мувофиқлаштиришда фаоллик кўрсатмоқда.

О.Чўпонов чуқур илмий тафаккурга эга, тадқиқотчи, ташкилотчи раҳбар сифатида ҳам танилган. Унинг 2 та рисоласи, 20 дан ортиқ илмий мақоласи чоп этилган. Тилшунослик ва адабиётшунослик билан бирга миллий истиқлол ғояси, маънавият ва маърифат ҳамда олий таълимни такомиллаштиришга доир мавзулардаги бир қатор мақолалар муаллифи.

Отаназар Отажанович Чўпонов мамлакатимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. У истиқлолимиз ва давлатимизнинг ўзига хос ривожланиш йўлининг моҳиятини чуқур англаган, жамиятимизнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларнинг чуқурлаштирилишидаги устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўзининг барча билими ва салоҳиятини халқимизнинг турмуши фаровонлигини оширишга йўналтираётган фидойи инсонлардан биридир.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

**Отаназар Отажанович Чўпонов 105-Урганч сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

*Демократик ислоҳотлар амалга оширилиши давомида Ўзбекистонда давлат хизматининг роли ва аҳамияти жиддий равишда ошишини ҳисобга олган ҳолда партия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишини қўллаб-қувватлайди ҳамда уларни юқори маънавий-ахлоқий, профессионал фазилатларга эга, мамлакат ва халқ тақдири учун масъулиятни ҳис этадиган, онгли, ватанпарвар кадрлар билан таъминлашга кўмаклашади.*

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Меҳр-мурувватли инсон



**Эркинбой Сатимович Юсупов**

Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришнинг муҳим омили саналади, деб биладиган Эркинбой Сатимович Юсупов 1957 йилда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган. 1984 йилда Тошкент Рус тили ва адабиёти институтини тамомлаган. Ихтисоси — педагог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Э.Юсупов меҳнат фаолиятини 1975 йилда Хонқа тумани маиший хизмат комбинатида ишчи сифатида бошлаган.

1975-1977 йилларда ҳарбий хизматда, 1978-1981 йилларда Хонқа туманидаги маиший хизмат корхонасида тикувчи уста, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги техника ишлаб чиқариш бўйича бирлашмасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳандиси, 1981-1985 йилларда Хонқа тумани матлубот жамияти қошидаги тикувчилик ишлаб чиқариш цехида тикувчи уста, 1985-1990 йилларда Хонқа туман 41-махсус касб-ҳунар билим юртида ишлаб чиқариш устаси, 1990-1993 йилларда "Фестон" ишлаб чиқариш кооперативи бошлиғи, "Наргиз" кичик корхонасида савдо директори, 1993-1997 йилларда "Уста Сотим" фирмаси раҳбари, 1997-1999 йилларда "Хонқа Шуя" қўшма корхонаси директори лавозимларида фаолият юритган.

Ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Э.Юсуповнинг бу борада олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда.

Э.Юсупов 1999 йилдан буён Хонқа тумани "Уста Сотим" фирмаси раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

Эркинбой Сатимович Юсупов ишбилармон ва ташкилотчи раҳбар. Халқимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Меҳр-мурувватли, ташкилотчилик қобилиятига эга, шу билан бирга у халқимизнинг турмуш фаровонлиги йўлида тинмай изланаётган фидойи инсонлардан биридир.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Эркинбой Сатимович Юсупов 106-Боғот сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Халқ хизматига камарбаста



**Бахтияр Шарифбаевич Ражабов**

Жамоада алоҳида ҳурмат ва эътиборга эга бўлган Бахтияр Ражабов 1975 йилда Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган. 1996 йилда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати институтини, 2002 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Ихтисоси — муҳандис-технолог, иқтисодчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Б.Ражабов 1996 йилда Урганч пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида созловчи, бош созловчи, агроном, 1998-2003 йилларда Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, котибият референти, 2006 йилдан вилоят электр тармоқлари ва насос станциялари бошқармаси бўлим бошлиғи, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, котибияти бош мутахассиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

Ҳозирги кунда Б.Ражабов "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг Хоразм вилояти филиали директори лавозимида самарали фаолият олиб бормоқда.

Бахтияр Шарифбаевич Ражабов ишбилармон ва ташкилотчи раҳбар. Халқимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. У мустақил давлатимизнинг ўзига хос ривожланиш йўлининг моҳиятини чуқур англаган, жамиятимизнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларнинг чуқурлаштирилишидаги устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда бор иқтидорини халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтираётган фидойи инсонлардан биридир.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Бахтияр Шарифбаевич Ражабов 107-Гурлан сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

*Партия халқ таълимини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлаш устувор принцип эканлигига амал қилади, бунда ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, ал-Фарғоний ва жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган бошқа буюк бобокалонларимизнинг илм-фанга бўлган чанқоқлиги мисолида билимга, маърифатга нисбатан миллий анъанавий муносабатларга, фундаментал фан ривожланиши эҳтиёжларига, шунингдек мамлакат ривожланиши ва янгиланишининг стратегик вазифаларига асосланади.*

*Партия инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш — шахснинг фаровонлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашга интилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мақсади ва энг муҳим воситаси деб ҳисоблайди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга нисбатан биз маданий-тарихий анъаналарни, халқ таълими тизимини тиклаш ва ватанпарварлик тафаккурини тарбиялаш орқали маънавий-ахлоқий тикланиш нуқтаи назаридан қараймиз.*

## Суғурта бозорининг фаол вакили



**Сарвар Саъдуллаевич Отамуратов**

Ҳаётда ўз куч ва билимига таяниб иш кўрадиган Сарвар Саъдуллаевич Отамуратов 1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1995 йилда Тошкент Давлат университетининг фалсафа-иқтисод факультети социология бўлимини, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини, 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ихтисоси — социолог, иқтисодчи, халқаро муносабатлар магистри. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

С.Отамуратов 1995-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги валюта-иқтисод бош бошқармасида етакчи иқтисодчи, бош иқтисодчи, бўлим бошлиғи ўринбосари, 2001-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги валюта-иқтисод бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғи, 2006-2008 йилларда "O'zbekinvest Hayot" шўъба суғурта компанияси бош менеджери, 2008-2009 йилларда очиқ акциадорлик жамият «Silk Road Insurance» суғурта компанияси бош директори ўринбосари лавозимларида фаолият юритган.

С.Отамуратов 2009 йилдан бошлаб "Finance Sug'urta" очиқ акциядорлик жамияти бош директори ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Шу кунгача унинг турли масалалар бўйича 1 та илмий монографияси ва 18 та илмий мақоласи чоп этилган. Социология фанлари номзоди илмий даражасига эга.

С.Отамуратов фаол фуқоралик позициясига, мустақил фикрига, ташкилотчилик қобилиятига эга, шу билан бирга барча билими, салоҳияти, юксак малакаси, профессионал қобилияти билан мамлакатимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Сарвар Саъдуллаевич Отамуратов 108-Хазорасп сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Тиббиёт соҳаси билимдони



**Шавкат Султанович Авезов**

Шавкат Авезов 1961 йилда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган. 1984 йилда Ўрта Осиё медицина педиатрия институтини тамомлаган. 1984-1985 йилларда Тошкент шаҳридаги 14-сон болалар шифохонасида интернатурани ўтаган. Ихтисоси-педиатор, болалар жарроҳи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1985-1988 йилларда Урганч шаҳар болалар поликлиникасида жарроҳ, 1988-1995 йилларда вилоят болалар шифохонасининг жарроҳи, бўлим бошлиғи, 1995-1997 йилларда Урганч Давлат университетининг тиббиёт марказида болалар жаррроҳлиги кафедраси ассистенти, 1997-2000 йилларда вилоят болалар шифохонасида болалар жарроҳи лавозимларида фаолият юритган.

2000 йилдан буён Хоразм вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг бош шифокори лавозимида ишлаб келмоқда. Тиббиёт фанлари номзоди.

Ш.Авезов 2004 йилда халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутати, 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси этиб сайланган. У Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси сифатида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шунингдек, Сенатнинг назорат фаолиятида ҳам бевосита қатнашиб, қўмита томонидан ўтказилаётган семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатларини ўтказишда ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён этмоқда.

Ш.Авезов меҳнат фаолияти давомида тиббиёт соҳасининг етук билимдони, ташкилотчи раҳбар сифатида танилган. У асосий эътиборини халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатишга, аҳолининг, айниқса, болаларнинг сифатли тиббий ёрдам олишига, тиббиёт муассасаларининг кадрлар билан таъминланишига, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши ҳамда даволаш-профилактика ишларини янада такомиллаштиришга қаратган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Шавкат Султанович Авезов 109-Хонқа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

*Фаннинг ривожланиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда партия фан соҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг илмий зиёлиларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишига эришишга ҳаракат қилади.*

## Янги имкониятлар сари



**Машҳура Ўткировна Муродова**

Машҳура Ўткировна Муродова 1966 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Самарқанд Кооператив институтини тугатган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Мутахассислиги — иқтисодчи бўлган Машҳура Муродова ўтган йиллар давомида турли масъулиятли лавозимларда сидқидилдан меҳнат қилди. Хусусан, 1987-1989 йилларда Қашқадарё вилоят агросаноат қурилиш тресті иқтисодчиси, 1989-1994 йиллар Қарши темир йўл ишчилар таъминоти бўлими савдо маркази товаршуноси, 1994-1998 йилларда Қарши темир йўл савдо маркази директори, 1998-2002 йилларда Қарши темир йўл ишчилар таъминоти бўлимининг иқтисод бўлими бошлиғи, 2002-2004 йилларда Қарши шаҳар Тадбиркор аёл уюшмаси раиси, 2004-2007 йилларда Мирishкор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида фаолият юритган.

Айни пайтда эса Қарши шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор янада ошди. Уларнинг жамиятда тутган ўрни мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда аёлларимиз турли ташкилот ва идораларда масъул лавозимларда ишлашмоқда. Машҳура Муродова ҳам ўз касбининг фидойиси, бошқача айтганда ҳукуматимиз томонидан яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланмоқда. Унинг бевосита раҳбарлигида хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, аёллар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан кўплаб тадбирлар ўтказилган. М.Муродова ташаббуси билан аҳолининг ҳуқуқий онгини ўстириш, маънавият-маърифат соҳасини янада юксалтириш мақсадида шаҳардаги мактаб, коллеж ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилиб, оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб-ташвиқ этилган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Машҳура Ўткировна Муродова 112-Қарши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёшлар келажак пойдевори



**Салим Саймович Саймов**

Салим Саймович Саймов 1970 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган. 1989-1994 йилларда Тошкент Давлат консерваториясининг пуфлама ва зарбли чолғулар бўлимида трombон мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

С.Саймов меҳнат фаолиятини 1993 йилда Қарши Давлат санъат билим юртида ўқитувчиликдан бошлаган. 1994-1995 йилларда пуфлама ва зарбли чолғулар бўлими бошлиғи, 1995-1997 йилларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 1997-2003 йилларда Қарши Давлат санъат билим юртида директор лавозимларида ишлаган. 2003 йилдан буён Қарши санъат коллежида директор вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. У бир қатор кўрик-танловлар ғолиби, шунингдек 2008 йил Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Европа Табиий Фанлар Академиясининг "Раҳбарлик ва санъатдаги ютуқлари учун" "ОЛТИН БУРГУТ" ордени ва дипломи билан тақдирланган.

С.Саймов коллеж педагогик жамоаси ва ўқувчи-талабаларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, педагог кадрлар салоҳияти ва сифатини ошириш учун ўқув жараёнига янги педагогик технологияларини татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг билим савияси, маънавий-маърифий, услубий, касбий тайёргарлигини оширишга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Таълим жараёнини ахборотлаштириш, коллеж таълим тизимини Жаҳон ахборот тармоғи интернетга уланиши, педагогларнинг ўз вазифаларига нисбатан масъулияти ва талабчанлигини оширишга ҳисса қўшмоқда. Маънавий-маърифий масалалар билан боғлиқ ишларни ташкил этишда "Камолот" ЁИҲ вилоят, шаҳар кенгаши, вилоят ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "Нуроний" жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси вилоят бўлими, "Олтин мерос", "Маҳалла" жамғармаси шаҳар ва вилоят бўлимлари ҳамда ЎзМТДП ҳамкорлигини кенг йўлга қўйди. У ёшлар қалбида миллий урф-одат ва анъаналаримиз, бой маънавий меросимиз, тарихий обидаларимизни асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш ҳиссини кучайтириш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга қаратилган ишларда доимо бош-қош бўлди, барча учун бирдек тааллуқли бўлган мазкур вазифага масъулият билан ёндашди. Натижада юзлаб ёшлар шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган умумтаълим ва касбий йўналишдаги кўрик-танловлар ҳамда фан олимпиадаларида иштирок этишиб, юқори натижаларга эришди. Жумладан, 2006-2008 йилларда коллеж фольклор-этнографик жамоаси Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган "Барҳаёт анъаналар" фестивалининг республика босқичида лауреатлик дипломи, 2006 йил коллеж "Нахшаб шоввозлари" жамоаси Самарқанд шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ўқув муассасалари ўртасида ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг республика босқичида III-ўрин ҳамда диплом билан тақдирланди. Шунингдек, у "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида, "Зулфия", "Ниҳол" Давлат мукофотларининг саралаш ва республика босқичларида коллеж ёш иқтидорларининг юқори ўринларни қўлга киритишида самарали меҳнат қилди.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Салим Саймович Саймов 113-Бешкент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Келажагимиз ёшлар қўлида



**Джумонозор Азодович Атоджонов**

- "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг пировард мақсади иқтидорли ва изланувчан ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир,- дейди Джумонозор Атоджонов. У 1976 йилда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида туғилган. 1998 йилда Тошкент Давлат университети физика факультетини, 2004 йилда Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультетини, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ихтисоси — педагог, иқтисодчи, давлат ва жамият қурилиши магистри. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Д.Атоджонов меҳнат фаолиятини 1998 йилда Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси бошқаруви аппарати қошидаги Ёшлар муаммолари институтида етакчи мутахассис вазифасидан бошлаган, 1999 йилдан компьютер маркази бошлиғи, 1999-2001 йилларда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви аппаратида ташкилий-услубий ва кадрлар масалалари бўлими референти, бош мутахассиси, бўлим мудири, 2001-2007 йилларда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши аппаратида жамоатчилик билан алоқалар бўлими мудири ва ташкилий, услубий ва кадрлар масалалари бўлими мудири лавозимларида фаолият кўрсатган.

Д.Атоджонов 2009 йилдан буён Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг ташкилий, кадрлар ва ахборот-таҳлил масалалари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Д.Атоджонов мамлакатимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, фаол фуқаролик позицияси, мустақил фикри, ташкилотчилик қобилиятига эга, барча билими, салоҳиятини халқимизнинг турмуш фаровонлигига эришишга йўналтираётган фидойи инсонлардан бири ҳисобланади. У ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, шунинг баробарида уларда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизга бўлган ҳурмат ҳиссини янада кучайтириш, дахлдорлик туйғусини камол топтириш ниятида.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Джумонозор Азодович Атоджонов 110-Хива сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Бунёдкорлик йўлида



**Азимбой Рўзиевич Ёрметов**

- Бизнинг мақсадимиз нафақат вилоят, балки шаҳар ва қишлоқларимизни ҳам замон талаблари даражасида ривожлантириш, шунингдек, бунёдкорлик ишларида ҳам фаол иштирок этишдир,- дейди Азимбой Рўзиевич Ёрметов.

У 1961 йилда Хоразм вилоятининг Шовот туманида туғилган. 1983 йилда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Ихтисоси — муҳандис-гидротехник. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Азимбой Ёрметов меҳнат фаолиятини 1983 йили Хоразм вилояти Шовот кўчма механизациялаш колоннаси қурилиш устаси сифатида бошлаган.

1985-1998 йилларда Урганч шаҳар 1-сон кўчма механизациялаш колоннаси бош муҳандиси, 1998-2001 йилларда унинг раҳбари лавозимларида фаолият юритган.

А.Ёрметов 2001 йилдан буён Шовот тумани "Темир бетон" корхонаси бошлиғи лавозимида ўз бунёдкорлик фаолиятини самарали олиб бормоқда.

У халқ депутатлари Шовот тумани кенгаши депутати сифатида ҳам доимо юрт равнақи йўлида ўзининг бор куч-ғайратини сарфлаб, эл-юрт корига яраш, ҳудудда мавжуд муаммоларга ечим топишни ўзининг бош вазифаси деб билади.

А.Ёрметов ишбилармон ва ташкилотчи раҳбар. Юрт равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Меҳр-мурувватли, ташкилотчилик қобилиятига эга, шу билан бирга у истиқлолимиз ва давлатимизнинг ўзига хос ривожланиш йўлининг моҳиятини чуқур англаган, жамиятимизнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштирилишини устувор вазифалардан бири деб биладиган, барча қобилиятини кенг бунёдкорлик ишларига, халқимизнинг турмуш фаровонлигига эришишга йўналтираётган фидойи инсонлардан бири ҳисобланади.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Азимбой Рўзиевич Ёрметов 111-Шовот сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маънавий-маданий соҳадаги фаолиятидан ҳамда қатъий эътиқодли ва мустақил тафаккурга эга, маънавий жиҳатдан мукаммал фуқарони шакллантириш борасидаги ўз саъй-ҳаракатларидан кўзланган мақсад **"Халқ манфаатлари ва Ватан туйғуси — ҳар нарсадан устун"** деган ғояни ҳаётга татбиқ этишдан иборат деб билади.*

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Ҳам олим, ҳам ижодкор



**Урал Хаитов**

Урал Хаитов 1956 йилда Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида туғилган. 1979 йилда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У.Хаитов 1979-1983 ҳамда 1986-1992 йилларда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти Қарши филиалида техникалардан фойдаланиш ва меҳнат муҳофазаси кафедраси ассистенти, 1983-1985 йилларда Россия қишлоқ хўжалиги сиртқи таълим институти аспиранти, 1992-1995 йилларда мазкур кафедранинг катта ўқитувчиси, 1995-1996 йилларда Қарши Муҳандислик-иқтисодиёт институти аспирантура ва илмий бўлим мудири, 1996-2000 йилларда мазкур кафедранинг доценти, 2000-2001 йилларда кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатган. 2000 йилдан буён мазкур институтнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректор лавозимида меҳнат қилиб келмоқда. Урал Хаитов — олим, техника фанлари доктори.

У бадиий ижод билан ҳам мунтазам шуғулланади. Жумладан, унинг "Аросат қояси" ҳикоялар тўплами ва "Одамбой" қиссаси нашр этилган. Бундан ташқари бир қанча публицистик ва илмий мақолалар, институт фаолиятига оид насрий асарлар ижодкори. Урал Хаитов ўз касбининг фидойиси. У мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқур англаган ҳолда "Халқ сўзи", "Ҳуррият", "Моҳият", шунингдек, "Қашқадарё" вилоят газетаси саҳифаларида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, публицистик мавзуларда доимий чиқишлар қилиб туради.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Урал Хаитов 114-Қамаши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёшлар етакчиси



**Арслон Ҳусанович Эшмуродов**

Арслон Ҳусанович Эшмуродов 1976 йилда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган. 1998 йилда Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетини тамомлаган. Ихтисоси- журналист. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Эшмуродов меҳнат фаолиятини 1996 йилда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Иқтисодий-ижтимоий ва маърифий кўрсатувлар дирекцияси маъмури вазифасидан бошлаган. 1996-2003 йилларда "Маърифат" бош муҳарририятининг муҳаррири, масъул котиби, 2003-2005 йилларда "Ёшлар" телеканалининг "Камолот" студияси муҳаррири лавозимларида ишлаган.

Фаолияти давомида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаётига оид ҳамда халқимизнинг миллий қадриятлари билан боғлиқ бўлган бир нечта таҳлилий кўрсатувларни тайёрлаган.

2005 йилда 106-Қамаши сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган.

2005 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси ва 2008 йилдан жамоатчилик асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

А.Эшмуродов Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси сифатида Қўмитанинг қонунчилик, назорат-таҳлил фаолияти, турли тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиб келган.

Ўтган давр мобайнида А.Эшмуродов ўз сайловчилари билан 90 га яқин учрашувлар ташкил этиб, фуқароларнинг 80 га яқин ёзма мурожаатларини ўрганиб чиқди ва уларнинг ижобий ҳал этилишига амалий ёрдам кўрсатди.

У мамлакатларнинг кўп йиллик парламентаризм тажрибасини ўрганиш мақсадида Греция, Испания каби давлатларда бўлган ва орттирган билимларини Ўзбекистонда янгидан шакллантирилган профессионал парламенти амалиётида қўлламоқда.

А.Эшмуродов "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси белгилаган чора-тадбирларга мувофиқ республикамизнинг бир қанча вилоятларида партиянинг ва партия фракцияси томонидан ўтказилган йиғилишларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари сифатида "Ёшлар қаноти" фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда такомиллаштириш борасида тинимсиз изланиб, ёшларимизнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Арслон Ҳусанович Эшмуродов 115-Нишон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ҳуқуқ билимдони



**Акмал Холматович Саидов**

Акмал Холматович Саидов 1958 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота қишлоғида туғилган. 1981 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1981-1984 йилларда собиқ иттифоқ Фанлар Академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти аспирантурасида ўқиб, номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1990 йилда ҳуқуқшунослик фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилган. Юридик фанлар доктори, профессор. Ихтисоси—ҳуқуқшунос.

А.Саидов иш фаолиятини 1985 йилда Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим лавозимидан бошлаган. 1985-1992 йилларда Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим, сектор мудири ва директор, 1986-1987 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси президиумининг фалсафа, иқтисод ва юридик фанлар бўлими илмий котиби, 1989-1991 йилларда Ўзбекистон Ёшлари ташкилоти раиси, 1992-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти директори, 1993-1994 йилларда Тошкент Давлат юридик институти ректори лавозимларида фаолият юритган.

У мустақил Ўзбекистоннинг илк дипломатларидан бири саналиб, 1994-1996 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги биринчи Фавқулодда ва мухтор элчиси бўлган. Худди шу даврда ЮНЕСКО ҳузурида (Париж) Ўзбекистоннинг Доимий вакили сифатида фаолият кўрсатган. 1996 йилдан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори бўлиб ишламоқда. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати этиб сайланган. 2000 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ депутати, 2005 йилдан буён, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати—Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси.

А.Саидов Франция қиёсий қонуншунослик жамиятининг хорижий аъзоси, Осиё ва Тинч океани минтақаси юристлари халқаро ассоциацияси, Россия Халқаро ҳуқуқ ассоциациясининг аъзоси, Париж–1 – Сорбонна университетининг таклиф этилган профессори. Юридик фанлар халқаро Ассоциациясининг Ўзбекистон бўйича Миллий қўмитаси раиси, халқаро қиёсий ҳуқуқ Академиясининг миллий қўмитаси раиси. Ўзбекистон-Франция дўстлик жамиятининг раиси бўлган.

Қиёсий ҳуқуқшунослик, халқаро ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи бўйича 20 та дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари, қарийб 300 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Асарлари АҚШ, Англия, Австрия, Франция, Ҳиндистон, Япония, Германия, Польша, Бельгия, Россия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда чоп этилган. 60 дан ортиқ халқаро анжуманларда қатнашган.

БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича комитети эксперти бўлган. БМТнинг Устав ва шартномавий органларида, ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича анжуманларда, Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик тузилмаларида ва шу каби бошқа халқаро тадбирларда иштирок этган.

1998 йилда Ўзбекистон кўкрак нишони, 2002 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени, 2006 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Акмал Холматович Саидов 117-Касби сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз Ватанини севган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси деб билади.*

## Изланувчан иқтисодчи



**Салима Раймовна Эгамбердиева**

Салима Эгамбердиева 1968 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган. 1989 йилда Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтининг "Бухгалтерия ҳисоби" факультетини тамомлаган. Ихтисоси—иқтисодчи, бухгалтер.- Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

С.Эгамбердиева меҳнат фаолиятини 1990 йилда Косон тумани Гувалак қишлоғидаги хўжаликда нормаловчи-бухгалтер вазифасидан бошлаган. 1990-1994 йилларда Косон туманидаги 40-ўрта ҳунар-техника билим юртида бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш устаси, 1994- 1997 йилларда Қарши аграр иқтисодиёт институти (ҳозирги Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти)нинг "Иқтисодиёт назарияси ва бухгалтерия ҳисоби" (ҳозирги "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит") кафедраси ассистенти, 1997-2007 йилларда шу кафедранинг катта ўқитувчиси лавозимларида фаолият юритган. 2007 йилдан буён "Иқтисодиёт назарияси ва бухгалтерия ҳисоби" (ҳозирги "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит") кафедрасининг доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

С.Эгамбердиева 2006 йилда "Капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган. 2005 йилда Президент ҳузуридаги "Истеъдод" жамғармасининг гранти совриндори сифатида Германиянинг Магдебург университетида "Молия – кредит" ва "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" мутахассислиги бўйича малака ошириб келган. У ўз ишига виждонан ёндошувчи, чуқур билим ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассис.

Бугунги кунда "Бошқарув ҳисобида бизнес-режалаштириш ва лойиҳалар таҳлили методологиясини такомиллаштириш" мавзусида "Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Салима Раймовна Эгамбердиева 116-Косон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Жамоатчи – журналист



**Мусаллам Исламовна Умирова**

Мусаллам Исламовна Умирова 1971 йилда Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган. 2004 йилда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини тамомлаган. Ихтисоси-журналист, халқаро муносабатлар магистри. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Умирова 1989 йилда Шаҳрисабз тиббиёт билим юртини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Китоб тумани марказий шифохонаси хирургия бўлими ҳамширалигидан бошлаган.

1994-1998 йилларда "Китоб тонги" газетасида мухбир, бўлим мудири, 1999-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг "Мулкдор" (ҳозирги "Биржа") газетасида мухбир, "Марказий Осиё маданияти" ва "Моҳият" ижтимоий-сиёсий газеталарида мухбир, масъул котиб, бош муҳаррир биринчи ўринбосари, Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси Марказий Кенгаши матбуот хизмати раҳбари вазифаларида ишлаган. Фаолияти давомида ёшлар, хотин-қизлар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, парламент фаолиятига доир мавзуларда таҳлилий ва муаммоли мақолалар эълон қилган.

2005-2007 йилларда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистри сифатида мустақиллик йилларида давлатимиз миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётган "Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни киритиш билан боғлиқ муаммоларнинг матбуотда ёритилиши" мавзусидаги магистрлик диссертация ишини ёзиш мобайнида соҳага оид муаммолар ва уларнинг ечими борасида бир қатор таклифлар билан амалий ҳисса қўшди. Жойлардаги маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари билан ҳамкорликда аёлларни касаначилик, миллий ҳунармандчилик фаолиятига жалб этишга эътибор қаратди.

М.Умирова 2008 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети тингловчилигига қабул қилинди. Академия тингловчиси сифатида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида ўтган амалиёт даврида Бундестаг ва Бундесрат фаолияти, хориж ҳамда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар тузилиши, ҳаракат дастурлари, парламент ҳаёти ва иш тажрибасини таҳлилий ўрганди, шунингдек, бугуннинг энг долзарб масаласига айланган, четдан кириб келаётган турли ахборотларнинг инсон маънавий дунёсига кўрсатаётган таъсирига оид маълумотлар билан яқиндан танишди.

Натижада "Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги магистрлик диссертация ишини ёқлаб, халқаро муносабатлар магистри даражасига эга бўлди.

Мусаллам Умирова ҳозирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосари, девон раҳбари ҳамда "Media +" иқтисодий-ижтимоий газетаси бош муҳаррири вазифаларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

М.Умирова "Мусаллambону" тахаллуси билан адабиёт соҳасида ҳам ўз овозига эга бўлган истеъдодли шоира, 2001 йили Зомин адабиёт анжумани ҳамда "Истеъдодлар бешигисан – Ватаним" республика кўрик - танловлари ғолиби бўлган. Шеърлари олмон, инглиз, рус, озарбайжон, тожик, ҳинд тилларига таржима қилинган. "Тафовут", "Тинглаётган одам" номли китоблар муаллифи.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Мусаллам Исламовна Умирова 118-Китоб сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан барча бўғинлардаги ҳокимият вакиллик органлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар ўз амалий фаолиятларида миллий бизнеснинг жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш жойлари яратиш, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлаш, шунингдек тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашиш ниятидалар.*

## Меҳнатсевар ва талабчан



**Шерзод Хуррамович Зулфиқаров**

Шерзод Хуррамович Зулфиқаров 1978 йилда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган. 2003 йилда Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

2003-2005 йилларда Тошкент юридик техникуми “Меҳнат ва хўжалик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси вазифасида ишлаган. 2005 йилдан ҳозирга қадар Тошкент Давлат юридик институтининг “Конституциявий ҳуқуқ” кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ш.Зулфиқаров ёш ва малакали ўқитувчи сифатида талабаларга замонавий таълим ўқитиш услублари асосида билим бериб келмоқда. Жамоат ишлари, илмий-амалий анжуманлар ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Конституцияни ўрганишни ташкил этиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, референдум ва сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш, давлат қурилиши бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ўтказишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

2008 йилда Ш.Зулфиқаров давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида долзарб масала ҳисобланган “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. У “Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи”, “Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи”, “Ўзбекистон Республикаси парламент ҳуқуқи”, “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари” каби рисолалар ва ўқув қўлланмалар ҳаммуаллифи бўлиб, унинг 40 га яқин илмий ва оммабоп мақолалари чоп этилган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Шерзод Хуррамович Зулфиқаров 122-Ғузор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Тадбиркорлик ортида тараққиёт бўлади



**Муродилла Хабибуллаевич Ёзиев**

Ўзининг бутун билим ва тажрибасини ишга солиб тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, халқимизга сифатли маҳсулот етказиб бериш асосий мақсади бўлган Муродилла Хабибуллаевич Ёзиев 1965 йилда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. 1989 йилда Тошкент Давлат университетини, 1999 йилда Тошкент Давлат шарқшунослик институтини тамомлаган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

М.Ёзиев 1989-1991 йилларда Новосибирск Давлат университети аспиранти, илмий ходими, 1991-1993 йилларда Яккабоғ туманидаги 78-мактабда ўқитувчи, 1994-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори, 1995-2000 йилларда “Роз Трейдинг” масъулияти чекланган жамияти менеджери, 2001-2005 йилларда “Самарали ДЕЗ” масъулияти чекланган жамияти менеджери лавозимларида ишлаган. 2005 йилдан буён “Мевалар лаззати” масъулияти чекланган жамияти директори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

М.Ёзиев Америка Қўшма Штатлари, Россия, Туркия ва Исроил давлатларида бир неча бор хизмат сафарида бўлиб, тажриба алмашганлиги айни пайтдаги иш фаолиятига самарали таъсир кўрсатмоқда. У раҳбарлик қилаётган корхонада ишлаб чиқариш жараёни, хорижий ҳамкорлар билан муносабатлар масалалари юқори савияда ташкил этилган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Муродилла Хабибуллаевич Ёзиев 120-Шаҳрисабз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фидойи инсон



**Зокир Анварович Ахмедов**

Зокир Анварович Ахмедов 1973 йилда Қашқадарё вилояти Ғузор туманида туғилган. 1990 йилда Тошкент Давлат санъат институти мусиқали драма актёри факультетини тамомлаган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

З.Ахмедов 1993-1994 йилларда Ғузор туман маданият уйида бадиий раҳбар, 1994-1995 йилларда М.Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида актёр, 1995-2005 йилларда вилоят телерадиокомпаниясида бошловчи, 2005-2008 йилларда Қашқадарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2008 йилдан ҳозирги пайтгача Т.Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театри директори лавозимида меҳнат қилиб келмоқда. Санъатшунослик ва маданиятшунослик ҳамда миллий истиқлол ғояси, маънавият тарғиботига доир мавзуларда қатор мақолалар чоп эттирган.

З.Ахмедов истеъдодли ёшларни тарбиялаш борасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. У фаолияти мобайнида ёшлар ўртасида партиянинг мақсад ва вазифаларини, миллий-маънавий ахлоқни, қадриятларни тарғиб қилиш, уларнинг сиёсий ва маънавий билимини бойитишга алоҳида эътибор қаратди. У ёшларнинг салоҳиятини Ватанга хизмат қилишга йўналтиришни ўз вазифаси деб билади.

Шунингдек, З.Ахмедов шу йиллар давомида бир нечта спектаклларни саҳналаштирди ва намойиш этилган мазкур драмалар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Зокир Анварович Ахмедов 123-Насаф сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Сиёсий жараёнларда фаол



**Улуғбек Насриддинович Муҳаммадиев**

Улуғбек Насриддинович Муҳаммадиев 1971 йилда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. 1993 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа-иқтисод факультетини тамомлаган. Ўзбекистон “ Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Сиёсий фанлар номзоди.

У.Муҳаммадиев меҳнат фаолиятини 1993 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг Фалсафа факультетида ассистент-ўқитувчи вазифасидан бошлаган. 1994-1997 йилларда Ўзбекистон Миллий университетининг аспиранти, 1997-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг илмий ходим, катта илмий ходими, катта ўқитувчи, 2004-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасида етакчи мутахассис лавозимларида ишлади.

2005-2009 йилларда Минтақавий сиёсат жамғармаси эксперти, бош эксперти, котибият раҳбари бўлиб ишлади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси докторанти сифатида илмий тадқиқот ишини давом эттирди. 2008 йилдан айни пайтгача Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, 2009 йил март ойидан эса Минтақавий сиёсат жамғармаси директори лавозимларида фаолият олиб бормоқда.

У.Муҳаммадиев Минтақавий сиёсат жамғармасидаги фаолияти давомида ўзининг илмий-таҳлилий, ижодий ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён қилган ҳолда бир қатор халқаро анжуманларни ташкил этишда фаол иштирок этди. Хусусан, 12 та халқаро конференция ва бир нечта давра суҳбатларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда масъул бўлди. У мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар таҳлили ва бошқа сиёсий жараёнларга бағишланган турли тадбирларда фаол қатнашиб, ушбу масалаларни кенг халқ оммасига етказишда ўзини чуқур билим ва тажрибага эга мутахассис сифатида намоён қилди.

У.Муҳаммадиев Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ташкилий-кадрлар ишлари бўйича ўринбосари сифатида партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кадрлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада бир қатор ижобий ишларни амалга оширди. Унинг ташаббуси билан партия фаоллари ва етакчи раҳбарлари малакасини оширишга қаратилган сиёсий ўқишлар, ўқув семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, республика миқёсида партия ташкилотлари фаолиятида тизимли асосда амалга оширилмоқда.

У.Муҳаммадиевнинг сиёсатшунослик, халқаро сиёсат, халқаро муносабатлар соҳасига оид 40 дан ортиқ илмий, ўқув ва оммабоп ишлари эълон қилинган. Айни пайтда докторлик иши якунланиб, ҳимояга тавсия этилган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Улуғбек Насриддинович Муҳаммадиев 121-Яккабоғ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Бурчга садоқат руҳида



**Ҳалима Тагановна Жуманиязова**

Ҳалима Тагановна Жуманиязова 1958 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси.

1975 йилда меҳнат фаолиятини Ўзтелерадиокомпаниясида режиссёр ёрдамчиси вазифасидан бошлаган. Сўнгра “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Хоразм ҳақиқати” газеталарида муҳаррир бўлиб ишлади. 1989 йилда Хива шаҳридаги Муҳаммад Юсуф Баёний номидаги “Иқтидорли болалар” мактабида, 1992 йилда Мирзо Улуғбек туманидаги 222-сонли мактабда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, 1999-2001 йилларда туман халқ таълими бўлимида она тили ва адабиёт фанлари услубчиси лавозимларида меҳнат қилди.

У 1999 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” кўкрак нишони, Республика “Ижодкор ўқитувчи” кўрик-танлови ғолиблигини қўлга киритди.

Ҳ.Жуманиязова Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг “Ижтимоий гуманитар фанлар” кафедрасида “Маънавият асослари”, “Ахлоқшунослик”, “Ўзбек адабиёти”, “Жаҳон адабиёти” фанларидан маърузалар ўқиган. 2004 – 2009 йиллар давомида Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Маънавият тарғибот маркази раҳбари, Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби вазифасида ишлаган. Ўтган вақт мобайнида у ўзини ташаббускор, маънавий етук, изланувчан, намунали хулқ эгаси сифатида кўрсата олди. Зиммасига юклатилган вазифаларга масъулият билан ёндошиб, ҳужжатлар устида ишлашдаги маҳорати билан алоҳида ажралиб турди. 2009 йилдан Республика Маънавият тарғибот марказининг ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳ.Жуманиязова ўзи раҳбарлик қилаётган Ижтимоий-сиёсий бўлимининг доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Фармон ва қарорлари, маърузаларида белгиланган вазифалар ҳамда республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини омма ўртасида изчил тарғиб этишига бош-қош бўлиб келмоқда.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан маънавий-маърифий тарғиботга оид кўплаб анжуманлар, давра суҳбатлари, ижтимоий-сиёсий тадбирлар уюштирилган.

Айниқса, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ислоҳотлар ҳамда дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар моҳиятини теран англаб аҳоли, шу билан бирга ёшларни миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларга жалб этиш, бу борада дастур ва режалар тузиш, давлат ва жамоат ташкилотларидаги миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, турли минтақа ва ҳудудларда долзарб маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий мавзуларда ҳар хил тадбирлар уюштириш, давлат сиёсатининг халқпарварлик моҳиятини аҳоли турли қатламлари вакилларига тушунарли тарзда етказишда фаол иштирок этиб, ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

**Ҳалима Тагановна Жуманиязова 125-Дархон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Тарихсиз келажак йўқ



**Дилбарой Зариповна Рахманова**

Дилбарой Зариповна Рахманова 1956 йилда Хоразм вилояти Янгиариқ туманида туғилган. 1977 йилда Қарши Давлат педагогика институтини тамомлаган. Тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Д.Рахманова меҳнат фаолиятини 1977 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти аспирантлигидан бошлаган. Кўп йиллар давомида Тошкент Политехника ва архитектура-қурилиш институтлари ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида доцент вазифасида ишлаган.

Д.Рахманова 2005 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси Солиқ академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти, кафедра мудири лавозимларида фаолият юритган. 2007 йилдан эса Тошкент Солиқ коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи ўринбосари вазифасини бажариб келмоқда.

Д.Рахмонова меҳнат фаолияти давомида бир қатор илмий-услубий қўлланма ва илмий мақолалар чоп этган. У Солиқ коллежи ўқувчиларини миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, солиқ тизимида жорий этилган одоб-ахлоқ, юриш-туриш, кийиниш маданиятини ўқувчилар онгига сингдиришда катта ҳисса қўшиб, ўзини малакали мутахассис, етарли иш тажрибаси, ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбар сифатида намоён этди.

Д.Рахманова ўқув жараёни, таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларни замонавий педагогик технологиялар ҳамда унинг инновацион, интерфаол ва бошқа усулларини яхши билади ва амалда қўлламоқда.

Д.Рахманова хусусан, ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантириш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Д.Рахманова нафақат педагог, балки сиёсий соҳанинг ҳам фаол вакили сифатида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг нуфузини ошириш, сафини кенгайтиришда астойдил жонбозлик кўрсатаяпти. У ўз ишига нисбатан талабчанлиги, ишчанлиги, соҳасини яхши билиши билан солиқ академияси, коллеж профессор-ўқитувчи ва ходимлари орасида ҳурматга эга.

**Дилбарой Зариповна Рахманова 124-Оқтепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда ижтимоий кафолатлар соҳасида сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш йўлидан боради. Аҳоли томонидан эъзозланадиган ижтимоий қадриятлар ҳаётда ўзининг реал ифодасини топиши учун курашади.*

## Шарқшунос олим, ташаббускор инсон



**Азамат Зиё Ҳамид ўғли**

Азамат Зиё Ҳамид ўғли 1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1985 йилда Тошкент Давлат университетининг шарқ тиллари факультетини тамомлаган. Форс, инглиз, араб тиллари, Ўзбекистон ва Шарқ халқлари тарихи, адабиёти ва тили бўйича мутахассисликларни эгаллаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Азамат Зиё 1985-1997 йилларда Ўзбекистон Фанлари академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлаб, 1990 йили тарих фанлари номзоди, 1999 йилда тарих фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди. Унинг қаламига мансуб "Ўзбек давлатчилиги тарихи" илмий асаридан мана неча йилдирки олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилиб келинмоқда.

Азамат Зиё 1997-1998 йилларда Президент девонининг бош консультанти, 1998-1999 йиллари Президент матбуот котиби, 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси, 1999-2000 йиллари Президент матбуот котиби лавозимларида фаолият кўрсатган.

У 1998-1999 йилларда Олий Мажлис депутатлигига сайланган. 2000-2005 йилларда Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси раиси, 2005 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиб, айни дамга қадар Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келяпти.

Ўтган вақт мобайнида 15 та қонун лойиҳасини тайёрлашда қатнашиб, улардан бештаси бевосита унинг қонун ташаббускорлиги асосида ишлаб чиқилди. Жумладан, у "Музейлар тўғрисида", "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Архив иши тўғрисида"ги ҳамда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг муаллифидир.

Азамат Зиё амалдаги қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ишларда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Чунончи, унинг прокуратура идораларига киритган тақдимномаларига биноан маданий мерос объектларининг муҳофазаси билан боғлиқ қонунларни бузган бир қатор мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралалар кўрилган.

У фан, таълим, маданият, спорт ва туризм соҳаларига оид долзарб масалалар бўйича 50 дан ортиқ конференция, семинар, давра суҳбатларини ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қилган.

Бундан ташқари, жамоатчилик ва сайловчилар билан учрашувларга ҳам катта эътибор билан қараб, фуқароларнинг мурожаатлари, уларнинг муаммоларини қонун асосида ҳал этишда тегишли ёрдам кўрсатиб келмоқда.

У босиқ, меҳнаткаш, виждонли ва бир сўзли инсондир. Шунингдек, зиммасидаги ҳар бир вазифага масъулият билан ёндошади. Таҳлилий фикрлаш, ташкилотчилик ҳамда ташаббускорлик қобилиятларига эга. Ҳамкасблари ва жамоатчилик ҳурматига сазовордир.

Азамат Зиё 1996 йили "Шуҳрат" медали, 2003 йили "Дўстлик" ордени билан мукофотланган.

Силали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Азамат Зиё 126-Темирйўлчилар сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Илмий изланишлар оғушида



**Джахонгир Исмаилбекович Бабаев**

Джахонгир Исмаилбекович Бабаев 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2001 йил Тошкент Давлат юридик институти бакалавр ва магистратура босқичларини тамомлаган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Д.Бабаев 2001 йилдан шу кунга қадар Тошкент Давлат юридик институти «Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти вазифасини бажариб келмоқда.

У талабалик давридаёқ ўзининг меҳнатсеварлиги, жамоатчилик ишларида фаоллиги туфайли кенг жамоа назарига тушди ва унинг бу фазилатларини институт жамоаси муносиб баҳолаб, 1996 йил Ўзбекистон ёшларининг «Камолот" жамғармаси ТДЮИ қошидаги жамоатчилик маркази раиси ўринбосари, 1998-2001 йилларда жамоатчилик маркази раиси вазифасини ишониб топширди. 2001 йилдан 2003 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ТДЮИ бошланғич ташкилоти кенгаши раиси лавозимида жамоатчилик асосида фаолият олиб борди. У ҳозирги кунда мазкур ташкилот фаолиятини самарали ташкил этишда мураббийлик қилиб келмоқда.

Унинг илм-фанга қизиқиши матбуотдаги доимий чиқишларида ва институт иқтидорли талабалар кенгаши раҳбари сифатидаги фаолиятида намоён бўлди. Талаба-ёшлар ўртасида ўтказилган илмий семинар ва конференцияларда ўз маърузалари билан доимий иштирок этиб келмоқда. 2001 йил институт магистратурасининг "Хусусий ҳуқуқ" йўналишини аъло кўрсаткичлар билан тамомлаб, илмий изланишларини "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси, аспирант тадқиқотчиси сифатида давом эттирди.

Д.Бабаев 2005 йил Тошкент Давлат юридик институти ихтисослашган кенгашида "Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари" мавзусида юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 2006 йил Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тасдиғини олди.

2007-2008 ўқув йилида педагогик фаолияти билан бирга институт "2-ҳуқуқ" факультети маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида ишламоқда. Айни пайтда институт доктарант тадқиқотчиси сифатида ўзининг илмий изланишларини давом эттирмоқда. Унинг 30 га яқин илмий ишлари чоп этилган. Хусусан, иккита дарслик (ҳаммуаллифликда), битта монография (ҳаммуаллифликда), битта рисола, тўртта қонунларга ёзилган шарҳлар (ҳаммуаллифликда), иккита ўқув қўлланма, битта ўқув-услубий қўлланма (ҳаммуалифликда) ҳамда йигирмадан ортиқ илмий мақолалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Д.Бабаев ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммолари хусусида Республикамизнинг оммавий ахборот воситаларида доимий чиқишлар қилиб боради.

Джахонгир Исмаилбекович Бабаев ёш авлодни тарбиялашда кўрсатган хизматлари учун бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. 2001 йилда "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирланган.

У тўғри сўз, самимий, мулоҳазали, қатъийятли, етакчилик қобилиятига эга, ватанпарвар ва ташаббускор ходим сифатида ўз жамоаси ҳурматини қозонган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Джахонгир Исмаилбекович Бабаев 127-Қорақамиш сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фаолиятини янада кенгайтириш ниятида



**Жамила Мусаевна Ҳайдарова**

Жамила Мусаевна Ҳайдарова 1961 йил Самарқанд вилояти Нарпай туманида туғилган. 1987 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ж.Ҳайдарова меҳнат фаолиятини 1987 йил Самарқанд вилояти, Нарпай тумани махсус механизациялашган корхонасида иқтисодчи вазифасидан бошлаган. Нарпай тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмасида ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи вазифасида ишлади. Шу билан бирга, туман "Пахтакор овози" газетасида жамоатчи мухбир сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

Ж.Ҳайдарова 2002 йилдан бошлаб Республика болалар ва ўсмирлар нашри "Тонг юлдузи" газетасида бўлим муҳаррири, масъул котиб, 2006 йилдан "Ғунча" журналида масъул котиб вазифаларида ишлаган.

Ж.Ҳайдарова 2007 йилда журналистлар ўртасида ўтказилган "Олтин қалам" Республика миллий танлови ғолиби, Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси. 2009 йилдан бошлаб "Соғлом авлод" газетасида бўлим муҳаррири вазифасида ишлаб келмоқда.

Ж.Ҳайдарова ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни сидқидилдан бажаради. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиб, жамоатчилик ишончи ва ҳурматини қозониб келмоқда. Меҳнатсеварлиги, тўғри сўзлиги боис жамоада ўз ўрнига эга.

Ж.Ҳайдарова ёш авлодни ижодга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида ташкил этилган "Нафис ғунчалар" тўгараги раҳбари сифатида ҳам бир қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу тўгаракда айни вақтда диёримизнинг турли бурчакларидан келган етмиш нафардан зиёд болажонлар ижод сирларини қунт билан ўрганишмоқда. Уларнинг ижод намуналари республикамизнинг турли газета ва журналларида чоп этилмоқда, турли танловларда фаол иштирок этмоқда. Бу йўлда Жамила Мусаевна тинимсиз меҳнат қилиб уларга ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқда.

Ж.Ҳайдарова "Оқ тонглардан излайман", "Баҳор элчилари турналар", "Камалак", "Она юртим Нарпайим" номли шеърий ва насрий тўпламлар муаллифи.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Жамила Мусаевна Ҳайдаровна 128-Саноат сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ватанпарварлик — энг олий туйғу



**Ворис Боситович Воҳидов**

Ворис Боситович Воҳидов 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1976 йилда Тошкент Давлат университетининг кечки бўлимини тамомлаган, 1998 йили Тошкент Давлат юридик институтининг сиртқи бўлимини тамомлаган. Ихтисоси — журналист, сиёсатшунос, юрист. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттиришлар давлат қўмитасида бошлаган. У дастлаб Республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйида овоз оператори, кейинчалик маҳаллий телевидение ва радиоэшиттиришлар бош бошқармасида муҳаррир бўлиб ишлади. Чет элларга эшиттиришлар бош бошқармаси «Ватандош» радиостанциясида муҳаррирлик, махсус мухбирлик қилди.

1990 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг қатор бўлимларида масъул лавозимларда, хусусан кейинги қарийб беш йил мобайнида Қонунчилик палатаси Девони Матбуот ва таржима бўлими мудирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг қонун чиқарувчи олий ҳокимият тизимидаги фаолияти кўламдорлиги ва сермаҳсуллиги билан алоҳида ажралиб туради. Қабул қилинаётган барча қонунларнинг давлат тилидаги матни ҳам юридик атамалар, ҳам ўзбек тили қоидалари жиҳатидан талаб даражасида бўлишига баракали ҳисса қўшди.

Истиқлолимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада юксалтиришга қаратилган қонун лойиҳаларининг яратилиши ҳамда қонунлар тегишли тартибда қабул қилинишида В.Воҳидовнинг хизмати ҳам, ҳиссаси ҳам катта эканлиги мана тўрт чақириқки, парламент аъзолари томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Бинобарин, В.Воҳидов ўз меҳнат фаолиятида, айниқса қонунчиликнинг нормаларини лўнда ва равон баён этиш, изчилликни сақлаш, қонун тилини такомиллаштириш каби жабҳаларда юксак профессионализм намунасини кўрсата олди.

Эзгу мақсад йўлида бор иқтидор, билим ва тажрибасини сафарбар этиши ишда самарадорлик ва сифатга эришишда барча имкониятларини қўллаб интилиши эътиборга молик.

Ҳамкасабаларнинг ўринли танқиди ва фикр-мулоҳазаларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда келгусидаги вазифаларни аниқ баҳолай олади.

Оилали. Уч нафар фарзанди, набираси бор.

**Ворис Боситович Воҳидов 130-Бодомзор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Қонунчилигимизни пухта билишимиз зарур



**Илхом Зайирович Абдуллаев**

Илхом Зайирович Абдуллаев 1965 йилда Туркманистон Республикасининг Чарджоу шаҳрида туғилган. 1985 йил Туркман Давлат педагогика институтининг математика факультетини имтиёзли диплом билан тугаллаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У 1987 йил меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар 11-сонли ҳунар-техника билим юртидан бошлаган, кейин Тошкент Автомобиль йўллари институтида математика ўқитувчиси вазифасида ишлаган. 1989 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика институтида стажер-тадқиқотчи, аспирант, кичик илмий ходим сифатида илмий иш билан шуғулланган.

Илҳом Абдуллаев 1994-2001 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида катта илмий ходим, илмий бўлим бошлиғи, магистратура бўлими бошлиғи, илмий ишлар бўйича проректори лавозимларида фаолият олиб борган.

2001-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси информацион-аналитик бошқармасининг макроэкономика таҳлили ва башорати бўлимида бош мутахассис, 2003-2006 йилларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида Тошкент Ахборот технологиялари университетида илмий ишлар бўйича проректор, "Ўзинфоком" маркази директори биринчи ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг дастурий маҳсулотлари бозорини ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлими бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилган.

Илҳом Абдуллаев 2006 йилдан бошлаб ҳозиргача Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциациясининг ижрочи директори вазифасини бажариб келмоқда.

У фаолияти давомида ҳар томонлама фаол, изланувчан олим сифатида танилди. Физика-математика фанлари номзоди ва сиёсий фанлар доктори даражаларини олди.

И.Абдуллаев макроиқтисодий моделлаштириш, глобаллаштириш жараёнига ва ижтимоий информатика соҳасига оид қатор эътиборга лойиқ натижаларга эришди. Ўзбекистонда ахборотлаштирилган жамиятни шакллантиришнинг назарияси ва амалиёти долзарб масалаларига оид 40 дан зиёд илмий ишлар қилди.

И.Абдуллаев ахборот технологиялари соҳасига доир миллий қонунчиликни тобора такомиллаштириш бўйича норматив ишларда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. У "Ахборотлаштириш тўғрисида" ги, "Рақамли электрон имзо тўғрисида"-ги, "Электрон ҳужжат муомаласи тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Банк ахборотлаштириш тизимида ахборотларни муҳофазалаш тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикасининг ахборот технологиялари соҳасига оид қонунларни тайёрлаш гуруҳи аъзоси. Ўзбекистон ахборот технологиялар ассоциацияси ижрочи директори лавозими доирасида информацион технологиялар соҳасига оид мавжуд қонунларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазаларни ишлаш, тузиш бўйича мунтазам равишда иш олиб бормоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Илхом Зайирович Абдуллаев 131-Астрабод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган.**

## Интилганга толе ёр



**Дониёр Эркинович Аюпов**

Дониёр Эркинович Аюпов 1972 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1994 йил Тошкент Давлат автомобиль йўллар институтининг Автомобиль хўжалиги факультетини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-механик, ҳуқуқшунос, халқаро муносабатлар магистри. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Д.Аюпов меҳнат фаолиятини 1994 йил "Ўзгўштсутсаноати" давлат акциядорлик уюшмасининг техника таъминоти бошқармасида мутахассисликдан бошлаган. 1995 йилнинг апрелидан "Тошуйжойқурилишинвест" корпорацияси "Ишчилар таъминоти бошқармаси"га инженер-механик лавозимига ишга ўтиб, ўз фаолиятини давом эттирган.

Д.Аюпов ҳуқуқшунослик касбига қизиққанлиги сабабли 1999 йилда Тошкент Давлат юридик институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб, муваффақиятли тугатди ва Маданият ишлари вазирлигининг "Таъмирлаш маркази"да ҳуқуқшунос-маслаҳатчи лавозимида ўз меҳнат фаолиятини давом эттирди. Кейинчалик бир йил давомида адвокатлик фаолияти билан шуғулланди.

У ҳозирги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Чилонзор туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ва "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари таҳририятида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

2009 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг "Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар" факультетини тугатиб, "Халқаро муносабатлар" магистри даражасини олган.

Д.Аюпов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Чилонзор тумани кенгаши Ижроия қўмитаси раиси сифатида партиянинг ғояларини, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиб, халқимиз миллий манфаатларини мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. У фуқаролар сиёсий фаоллигини янада юксалтириш борасида жойларда турли учрашувлар, сиёсий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Дониёр Эркинович Аюпов 132-Тўқимачи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Юксак маънавият — ютуқлар омили



**Махмуд Мадреймович Болтабаев**

Махмуд Мадреймович Болтабаев 1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1989 йилда Тошкент Давлат автомобиль йўллари институтини тамомлаган. Ихтисослиги муҳандис-технолог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Махмуд Болтабаев 1989 йил олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, меҳнат фаолиятини "Ташстройтранс" бирлашмасининг биринчи автокорхонасидан бошлаган. 1992-1995 йилларда "Иймон" масъулияти чекланган жамиятида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етган Махмуд Болтабоев тадбиркорликка қўл уриб, 1995 йил "SALOBAT" хусусий корхонасини таъсис этди ва ҳозирги кунгача шу корхонага раҳбарлик қилиб келмоқда.

Махмуд Болтабаев Юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётган хорижий инвестицияларни мамлакатга тўғридан тўғри киритиш юзасидан ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб, "SALOBAT" хусусий корхонаси, "INTERYER-BIZNES" масъулияти чекланган жамияти, "HUVAYDO-MEBEL" масъулияти чекланган жамияти, "INTERMEDEX" қўшма корхоналарининг ташкил этилишига катта ҳисса қўшган.

У замонавий, юқори сифатли кенг ассортиментдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маҳмуд Болтабоев раҳбарлик қилаётган корхонада Германия ва Италияда ишлаб чиқарилган технологик линиялардан кенг фойдаланилмоқда.

М.Болтабаев ўз устида тинмай ишлайдиган, янгиликка интилувчан, соҳасининг билимдонидир.

Аҳолини замонавий ва сифатли уй-жой жиҳозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши, натижасида мазкур корхоналарнинг мебель маҳсулотлари замонавий дизайн ва юқори сифати билан мижозларга манзур бўлмоқда.

Унинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Беруний кўчасида "Ҳувайдо" миллий ресторани, "Ҳувайдо мебеллар уйи" замонавий савдо комплекси қурилиб халқимиз фаровонлиги, оилалар бутлиги учун кенг кўламда маиший хизматлар кўрсатмоқда.

Бугунги давр раҳбари биринчи навбатда маънан юксак, ўзининг чуқур мантиқий фикри ва салоҳиятига эга бўлиши кераклигини юрак-юракдан ҳис этган Махмуд Болтабаевнинг китобга бўлган меҳри баландлиги атрофидагилар ва жамоасига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, улар кутубхоналар ташкил этиш ва бадиий асарлар мутолаа қилишга эътибор беришмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Махмуд Мадреймович Болтабаев 135-Шайхонтоҳур сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқаришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билади.*

## Катта маҳорат эгаси



**Саидахбор Собитович Булатов**

Саидахбор Собитович Булатов 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1976 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти бадиий графика факультетининг расм, чизмачилик ва меҳнат мутахассислиги бўлимини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Саидахбор Булатов 1978 йилдан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика факультети «Қаламтасвир» кафедрасига танлов асосида ўқитувчилик лавозимига ишга қабул қилинган. Шу йилнинг ўзида мазкур кафедранинг стажёр-тадқиқотчиси сифатида илмий изланишлар олиб борган.

У 1982-1985 йилларда аспирантурада таҳсил олиб, 1985 йилда муддатдан аввал Москва Давлат педагогика университетида «Синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни тасвирий билимга ва уларнинг малакаларини шакллантиришнинг педагогик ва психологик ҳусусиятлари» мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Меҳнат фаолиятини Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг «Қаламтасвир» кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи лавозимида давом эттирган. 1990-1992 йилларда Москва шаҳрида докторантурада ўқиди ва 1994 йилда Москва давлат педагогика университетида педагогика фанлари доктори, академик В.С.Кузин раҳбарлигида «Ўзбекистонда ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашда халқ амалий безак санъати» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1997 йилдан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг "Амалий санъат" кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 2002 йилда Олий Аттестация Комиссиясининг қарорига кўра профессор илмий унвонига эга бўлди. 2006 йилдан Халқаро педагогик таълим фанлари академиясининг ҳамда 2009 йилдан "Антик дунё" халқаро илмий академиясининг академиги С.Булатов илмий - назарий, илмий - методик, санъатшунослик йўналишида 350 дан ортиқ илмий ишлар ва қатор монография, дарслик, ўқув ҳамда илмий-методик қўлланмалар, изоҳли луғатлар, илмий рисолалар ва илмий мақолалар муаллифи. У ўзининг 60 босма табоққа яқин ҳажмдаги «Ўзбек халқ амалий безак санъати» номли фундаментал илмий тадқиқот асари билан эл назарига тушди. Олимнинг юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериши ва бевосита раҳбарлиги остида 3 та номзодлик, 20 тадан ортиқ магистрлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинган. У ўз шогирдлари билан ўзбек халқ амалий безак санъатини ўрганиш муаммолари устида самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ҳозирда ўзбек халқ амалий безак санъатининг тарихи, этнографияси, фалсафий ва тарбиявий, психологик ва методик томонлари бўйича илмий - тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш соҳасидаги фаол иштироки, ёш авлодга ўзбек миллий амалий санъатини ўргатишда қўшган салмоқли ҳиссаси ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ўз тадқиқотлари орқали бир қатор илмий тарғибот ишларини фаол олиб борганлиги, республика ва университет ижтимоий, тарбиявий, маданий ва маърифий ҳаётидаги кўп қиррали фаолияти сабабли С.Булатов «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» фахрий унвонига сазовор бўлди ва кўкрак нишони билан тақдирланди.

У ўз касбининг билимдони, кўп қиррали илмий салоҳиятга эга ижодкор, катта маҳорат эгаси, мантиқий чуқур фикрловчи раҳбар ва олим. С.Булатовни касбдошлари ва шогирдлари меҳнаткаш, масъулиятли, ташаббускор ва билимли педагог сифатида ҳурмат қиладилар. Профессор - ўқитувчилар, аспирантлар, магистрантлар ва талабалар ўртасида турли республика ва халқаро илмий анжуманларда қизиқарли маърузалари билан фаол қатнашиб келмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Саидахбор Собитович Булатов 134-Қўйлиқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Юрт бойлиги саломатликда



**Гулираъно Шомақсудовна Маҳмудова**

Гулираъно Шомақсудовна Маҳмудова 1954 йилда Тошкент туманида туғилган. 1978 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. 1978-1979 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги 1-Республика клиник шифохонасида интернатурани ўтаган. Ихтисоси – олий тоифали шифокор, терапевт. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Г.Маҳмудова 1979-1986 йилларда Ўрта Осиё Педиатрия институтининг клиникасидаги терапия бўлимида ординатор ва 1986-1988 йилларда шу клиниканинг Пульманология бўлимида бўлим бошлиғи сифатида фаолият юритган. 1997-1999 йилларда Тошкентдаги «Семашко" номли илмий тадқиқот институтида илмий ходим ва даволовчи врач сифатида ишлаб, юздан ортиқ илмий ва илмий оммабоп мақолаларини "Ишонч", "Нуроний", "Саховат", "Сиҳат саломатлик", "Саодат", "Гулистон" ва бошқа матбуот нашрларида эълон қилган.

Г.Маҳмудова нафақат тиббиёт соҳасини, балки адабиётни ҳам жуда севади. Чоп этилган "Соғинч" ва "Сизни ўйласам" шеърий тўпламлари фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон телевидениесида ва радио эшиттиришлари орқали тиббиёт соҳасидаги долзарб мавзуларда чиқишлар қилган. Ҳозирда "Саломатлик" кўрсатувида мунтазам қатнашиб келмоқда.

- Юрт бойлиги саломатликда, - дейди у. - Агар депутат бўлиб сайлансам, халқимизнинг, айниқса аҳолининг кам таъминланган қатламларига юқори сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатишни кенг йўлга қўйиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Бунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган бепул медицина хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, медицина хизматини кўрсатиш юзасидан жамоатчилик ва давлат назоратини кучайтиришимиз лозим. Шунингдек, мазкур соҳада аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш, яъни маҳаллий табиий ресурслардан кенг фойдаланиш ҳисобига дори-дармонлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш масаласига ҳам долзарб вазифа деб қараш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Г.Маҳмудова 1999 йилдан буён Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли "Нуронийлар оромгоҳи" санаторийсида бош шифокор ўринбосари ва тиббиёт бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Фаолияти давомида малакали шифокор, даволаш ишларини юқори савияда ташкил этувчи талабчан ва ташкилотчи раҳбар сифатида ўзини намоён қила олди. У табиатига кўра очиқ кўнгил, атрофидагиларга меҳрибон, беморлар ва ҳамкасбларига нисбатан ҳушмуомала ва самимий.

Гулираъно Маҳмудова сиҳатгоҳда даволовчи врачларнинг ва кичик тиббий ходимларнинг малакасини оширишга ҳам катта эътибор бериб, белгиланган режа асосида уларнинг касбий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга асосланган ўқув машғулотларини ташкил қилмоқда ва уларда даволашни такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий маърузалари билан қатнашиб, кўпчилик эътиборини қозонмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Гулираъно Шомақсудовна Маҳмудова 133-Кўкча сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# КЎЗГУ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

## Сўзана жилоси

*Қадимий ҳунар турларини замонавийлик билан уйғунлаштириш эндиликда янгилик эмас. Бу борада юртимизда кўплаб ишлар қилинмоқда. Қаҳрамонимиз Мадина Қосимбоева қўл меҳнати ҳеч қачон ўз аҳамияти ва қадрини йўқотмаганлигини амалда исботлай олганлардан. У маҳоратли дизайнер ва тадбиркор. Ёш бўлишига қарамай, анъанавий каштачиликни жаҳон миқёсида оммалаштиришга эришганлиги аҳамиятга молик.*

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**


Талаба-ёшлар ёш ҳунарманд Мадина Қосимбоева тайёрлаган маҳсулотларни томоша қилишмоқда.

Мадина Тошкент халқ амалий санъати коллежида таҳсил олиб юрганида устози Исматулла Маҳдуннинг бигиз билан ипак матоларга йўрма чоклар тикишини кўриб завқланиб, каштачиликка қизиқа бошлаган. Йиллар давомида игна билан қудуқ қазишдек жуда нозик соҳани ўқиб ўргандй, устозларидан таълим-тарбия олди. Бу бир жиҳатдан ёш ҳунармандга ёқар, айниқса, уни яқин-дўстларининг ҳавас билан қараши янада илҳомлантирарди. Моҳир тикувчи бўлгач, кашта тикиш унинг севимли машғулотига айланди.

Каштачиликни кенгайтириш мақсадида хусусий корхона ташкил этди. Бу ўз навбатида имкониятларни ошириб, янги ғояларга йўл очди. Буни Мадина томонидан замонавий либосларнинг бичими ва безакларига уйғунлаштириб, этник либослар коллекциясини яратгани мисолида кўриш мумкин. Мадинанинг бу янги иши "Ташаббус", "Арт-салон", "Осиё рамзининг" танловларида юқори баҳоланди. 2008 йил унинг учун янада омадли бўлди. У Тошкент ва Самарқандда ўтказилган "Style.uz" мода ва дизайн ҳафталигида "Увайсий" номли коллекцияси билан ғолиб бўлиб, "Подиум-2008" совринини ҳам қўлга киритди.

- Ҳунарим ортидан эришган ютуқларимда фақат ўзимнинг эмас, шогирдларимнинг ҳам ҳиссаси беқиёс,- дейди қаҳрамонимиз. - Улар орасида уй бекалари, талабалар, нуроний онахонлар ҳам бор.

**- Уларни бу ерга нима етаклаб келган?**

- Албатта, қизиқиш ва иштиёқ-да. Инсон қандай ишга қўл урмасин, унга меҳр билан ёндошса, албатта юксак чўққиларни забт этади, деб ўйлайман. Дастлаб онам бошқа соҳани танлагин, ҳунармандчилик жуда қийин, уддалашинг мушкул, қизим, деб айтган эдилар. Лекин сержило кашталар мени ўзига оҳанграбодек тортаверарди.

Инсон бирор касб-ҳунарга қўл урар экан, аввало унинг тарихини ўрганиб боради. Бу ҳақда Мадина шундай дейди:

- Қадимдан аждодларимиз ҳеч бир либосни безаксиз кийишмаган. Кундалик либослардан тортиб, матодан ишланган уй жиҳозларигача кашта солинган. Яъни тўн, яктак, дўппи, белбоғ ва оёқ кийимларга эркак ва аёлнинг ёши, либоснинг турига қараб рамзий нақшлар билан кашта тикилган. Парда, ёстиқ ва уй ичкарисидаги девор чиройли кўриниши учун сўзаналарга жуда катта эътибор берилган.

Каштачилик иши нимаси билан бунча қадрли экан, деб ўйлаётгандирсиз. Бунга сўзана устаси-чевар шундай жавоб беради.

- Кўргазмаларнинг бирида эътиборимни сайёҳнинг сўзанага диққат билан қараб турганй тортди. Ундан сабабини сўрадим: "Бу гўзал матога қараб, қанча қўл меҳнати, кўз нури сингишини сарҳисоб қилолмай қолдим", деганди у. Дарҳақиқат, битта сўзанани тикиш учун атлас ёки адрас матолари танланади ва уни тайёрлаш чевардан катта қўл меҳнатини талаб қилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ундан кейин рассомнинг маҳорати. Ранглар ҳам сифатли бўлиши учун асосан ёнғоқ, исириқ, пиёз ва гуллардан фойдаланишади. Шунда ранглар ёрқин, тез ўчмайдиган бўлади.

Энди тикишга ўтсак: етти метрлик мато атрофида уч нафар қиз ишлайди. Сўзананинг қаторларига синчиклаб назар ташланганида, чоклар бир-бирига ўхшамаслиги сезилади. Сўзананинг ўзига хос нусхалари бўлади. Нурота нусхаси ўзининг нафислиги билан ажралиб турса, Тошкентники анор шакли билан фарқ қилади. Шаҳрисабз нусхаларида эса чорчироқ нақшлари ишлатилади. Бугунги кунда рассомимиз Гулчеҳра Исомова билан янги ҳовуз, сўлим боғлар тасвири ифодаланган нусхалар яратдик.

Пировардида, лавҳамиз қаҳрамонига ўзбек миллий каштачилигининг янгидан-янги қирраларини намоён этиши ва кашф қилишига муваффақият тилаб қайтдик.

ЎГИТ

**Тушса учқун бир бутоққа, нетгуси,**
**Ўт кетиб, ўрмонни абгор этгуси.**

* * *

**Эгри бўлсанг гар, қабоҳатдир насиб,**
**Тўғри бўлсанг гар, саодатдир насиб.**

*Жалолиддин РУМИЙ*

БИЛАСИЗМИ?

Ер шаридаги энг қуруқ ва иссиқ макон Ўликлар водийси ҳисобланади. Шундай бўлса-да у ерда қушнинг 15 та, судралиб юрувчиларнинг 40 дан ортиқ тури, 12 хил балиқ ва 545 хил ўсимлик турлари мавжуд экан.

* * *

Ер шаридаги энг йирик қуш бозори Эль-Алакранда жойлашган. Миттигина оролча — Эль-Алакранда салкам миллиондан ортиқ чайка ва баклан бор.

ТУРФА ОЛАМ

## Энг мустаҳкам ноутбук

***Мутахассислар бугунги кунда энг ишончли ва мустаҳкам бўлган ноутбукни Asus корпорацияси ишлаб чиқармоқда, деган тўхтамга келишди.***



Тадқиқотчилар бир неча йил давомида тўққизта ҳар хил ноутбук ишлаб чиқарувчи компанияларнинг 30 мингдан ортиқ маҳсулотини синовдан ўтказишган. Шунда ушбу рўйхатда биринчи ўрин Asus, иккинчи ўрин Toshiba, учинчи ўрин Sony, тўртинчи ўрин эса Apple компаниясига насиб этган. Айтишларича, уч йил давомида ушбу компанияларнинг ишлаб чиқарган ноутбукининг атиги 15,6 фоизигина ишдан чиқаркан.

## Хавфли чувалчанг



***Ноябрь ойининг бошида ОАВ хабарларида Нидерландияда IPhone телефонларига хавфли бўлган вирус тарқалгани ҳақида маълум қилинган эди.***

Унда мобиль телефон эгаларига ҳеч қандай зарар етмаган, бироқ, асосан смартфонларда экрандаги тасвир 80-йилларда машҳур бўлган хонанданинг суратига ўзгартирилган холос. 21 ёшли Эшли Таунс IPhone телефонига зарар етказувчи энг биринчи вирусни ўйлаб топиб, нафақат машҳурликка эришди, у бу қобилияти эвазига Австралиянинг йирик компанияларидан бири бўлган Mogeneration компаниясига дастурловчи вазифасига ишга қабул қилинган.

## Оқ кийикни кўрганмисиз?

***Ҳаваскор фотограф Кен Гриндл Британиянинг Глостершир графлиги ҳудудида дунёда кам учрайдиган оқ кийикни суратга олишга муяссар бўлган.***



Кен Гриндлнинг таъриф беришича, шунча йиллик меҳнат фаолиятида у бундай ғаройиб рангдаги кийикни илк бор учратиши экан. Аввал ҳам бошқа сураткашлар оқ кийикка рўпара келиб, уни видео тасмага ёзиб олишга муваффақ бўлишган. Бироқ, мутахассисларнинг таъкидлашича, Гриндлнинг олган суратидаги кийик ҳақиқатан ҳам ер юзида ниҳоятда кам учрар экан.

## 2030 йилнинг автоулови

***Япониянинг Nissan компанияси Лос Анжелосда бўлиб ўтган автошоу «Desigh Challenge Youthmobile 2030» кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритди.***



Nissan компанияси ходимларининг айтишича, улар томонидан намойиш этилган V2G модели 2030 йилда ёшларнинг энг севимли электромобилига айланиши эҳтимолдан холи эмас. Қарангки, мутахассислар ҳам келажакда автоулов йўллари электр тўрлари билан қопланади ва бир кишилик электрмобилларга эҳтиёж яна ҳам кўпаяди деб башорат қилишмоқда.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА**
**тайёрлади**

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

## «Меъмор-96»

### миллий меъморчилик анъаналарини қайта тикламоқда



**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Самарқанд шаҳри тобора чирой очмоқда. Регистон майдони, Сиёб бозори қайта реконструкция қилиниб, ушбу ҳудуд билан туташувчи Тошкент кўчаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Айниқса, павильонлар шарқ услуби анъаналарида қурилиб, сайқал берилгани янада аҳамиятлидир. Бу ишларда Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ва ишлаб чиқариш бошқармаси «МЕЪМОР-96» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Корхона умумий қурилиш ишлари, тарихий обидаларни таъмирлаш, ёғочга, мармар тошларга нақш бериш, сопол буюмлар ишлаб чиқариш, ганч ўймакорлиги, тарихий-маданий ёдгорликларни таъмирлашдек нозик ўймакорлик ишлари билан шуғулланади. Бундан ташқари, сополдан ясалган совға буюмлари, чойнок, пиёла, гулдон, шамдон, тарихий обидалар учун йўлак плиткалар, том қопламалари ишлаб чиқарилмоқда. Сиёб бозорининг қайта реконструкция ишларида корхона бош пудратчи сифатида иштирок этди. Бу ерда кишини ҳайратга соладиган ганжкорлик ва ёғоч ўймакорлиги қаторида тош ўймакорлигининг қадим анъаналари ҳам намоён бўлди.

- Қурувчилик шунчаки тиклаш эмас, чин маънода ижод қилишдир, - дейди бошқарув раиси Ботир Жумабоев. - Айниқса, Самарқандда бирор обидани таъмирлаш ёки тиклаш ишига жўн ёндошиб бўлмайди. Ҳар бир қадамингиз, ҳар бир ҳаракатингиз азизлар назарида туради. «Гўри Амир» мақбарасининг гумбази ва атрофидаги деворининг безак ва сайқал ишларини бажаришда, «Хўжа Абди Дарун» мажмуасининг хонақоси, «Имом Мотрудий» мақбарасининг таъмирлаш ишларида уста меъморлар юрак ҳарорати, қалб меҳри ва садоқатини бахшида этишди. Ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъати гўзалликларини ўзида жилолантириб турган салобатли устун арконлар, айвонлардаги нақшинлар ҳамма-ҳаммаси усталарнинг катта эътиқод билан ижод қилганларидан далолат беради.

Тош ўймакори, «Дўстлик» ордени соҳиби Лутфулло Қудратовнинг Регистон майдонидаги ишларини кўриб қувонасиз. Регистон ансамбли қуйироғида мажнунтоллар орасида қад ростлаган павильон саккизта устундан иборат. Устунларнинг пастки қисмига бир метрли тош ўймакорлик санъати намунаси — мармар қўйилган. Павильон лойиҳаси меъморий жиҳатлари яхлит дизайнни мужассамлаштирган. Ёғоч ўймакори Суҳбатилло Шокиров, тикловчи Мирсодиқ Асадов, таъмирловчи Баҳодир Барноев ўз ишининг усталари. Уларнинг дунёқараши, касби тўғрисидаги хулосаларини эшитиб, бу касб оддий эмас, у чинакам қалб кўрини бериб меҳнат қилишлик, деган хулосага келасиз. Дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар эътиборини тортадиган, гумбази осмон қадар баландликларда мўъжиза яратаётган уста меъморлар ишига таҳсин айтмасликнинг иложи йўқ.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## "Алла айтинг, онажон"

### Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Оналар куйлаганда" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ёш авлодни юксак маънавиятли, етук ва баркамол шахс этиб тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром ғояларини сингдиришда халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси - алланинг ўрни ва аҳамияти катта. «Оналар куйлаганда» республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, қадрлаш, янада бойитиш, маънавий меросимизни тарғиб ва ташвиқ қилиш, ёшларни эзгуликка даъват этиш, оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштиришдан иборатдир.

Айтиш жоизки, танловнинг асосий ташкилотчиси саналган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтган йиллар мобайнида кўплаб тадбир ва танловлар ўтказилиб, бунда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий фазилатларимизга ёт ғоялар, «оммавий маданият» таъсиридан асраб-авайлаш, маҳаллалар, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур кўрик-танлов ҳам бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Ёши ва касбидан қатъи назар, юртимизнинг барча оналари иштирок этиш имконига эга бўлган ушбу танловда қатнашчилар алла, лапар, айтишув, ёр-ёр каби халқ оғзаки ижоди намуналарини ижро этишди. Биринчи ўринга Хоразм ва Бухоро вилоятлари жамоалари, олий ўринга Тошкент шаҳри вакиллари лойиқ топилди.

КИНО

## Япон фильмлари намойиши

*Шарқ санъати ва маданиятининг бетакрор намунаси ҳисобланган япон санъати бугунги кунда ҳам замон билан ҳамнафасликда ривожланиб бораётир. Айниқса, азалий қадриятлар ҳамда замонавий турмуш тарзига хос хусусиятлар уйғунлашган япон фильмлари, мультфильмлари дунё томошабинлари нигоҳида ҳам муносиб баҳосини олмоқда.*

11-14 декабрь кунлари пойтахтимиздаги Киночилар уйида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япон Фонди ҳамкорлигида "Замонавий япон фильмлари кунлари" ўтказилди. Бу ўз навбатида икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларнинг янги уфқларини белгилаш билан бир қаторда, мутахассисларни тажриба алмашиш, малака оширииш, фильмлар ва мультфильмлар яратишда замонавий услуб ва мавзуларга мурожаат этиш, миллий кино санъати тараққиёти учун янгидан янги изланишларга ундайди.

Очилиш маросимида соҳа мутахассислари, режиссёрлар, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, шунингдек юртимиз кино ихлосмандлари ва журналистлари иштирок этишди. Тадбир сўнгида Томоюки Фурумая режиссёрлиги ва муаллифлигида ишланган "Robocon" ("Робот техникалар танлови") фильми намойиш этилди.

**Илья ДИЛЬМАНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-1123, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Беҳбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.30.

1 2 4 5